

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
“ МАНБАШУНОСЛИК ВА АРХИВШУНОСЛИК ”
КАФЕДРАСИ**

Матсафаев Элмурод Давлатаёрович

**“МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИДА
ХИВА ХОНЛИГИ МАДАНИЙ ҲАЁТИ”**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: т.ф.н. доц. Саидбобоев З.

Тошкент-2013

Мундарижа:

Кириш	-----3
IБоб. Хива хонлиги маданий ҳаётининг тарихий тадқиқотлар	
-даги талқини	
I.1. Илм фан ва адабий муҳит	-----6
I.2. Таълим тизими	-----17
IIБоб. Хива хонлиги меъморчилиги тарихшунослиги	
II.1. XVI-XVIII асрларда маданий ҳаётнинг ёритилиши	----- 27
II.2. XIX-XXаср бошларида маданий ҳаёт тарихшунослиги	-----34
Хулоса	-----52
Фойдаланилганманба ва адабиётлар рўйхати	----- 57

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. XX аср ўзбек халқи тарихида рўй берган энг муҳим воқелик, шубҳасиз, давлат мустақиллигига эришиш бўлди. Истиқлол шарофати билан халқнинг асрий орзуси ушалиб, мустақиллик туфайли ўз эътиқоди, урф-одатлари, қадриятлари ўз ўрнига қайтди. Республика тараққиётининг ўзбек халқига хос бўлган хусусият ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ўз ривожланиш йўлини танлаши, бой маданияти ва маънавиятини эъзозлаш, халқ истиқболига қаратилган миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш, Ватан тарихини ҳолисона ўрганиш ва тадқиқ этишни ҳаётий зарурият даражасига кўтарди. Ўз олдида ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб олган Ўзбекистоннинг XXI асрдаги истиқбол сиёсати – бу жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Зеро мазкур жамиятни барпо этишда, давлат бошқарувни тўғри, изчил йўлга қўйишда ватанимиздаги тарихий давлатларнинг бошқарувини ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш лозим.

Уч минг йиллик давлатчилик анъаналарига эга бўлган ўзбек халқи тарихида Хоразм давлатчилиги, унинг бошқарув тизими алоҳида ўрин тутди.

Президент И.А.Каримов Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида “тарихи қарийб уч минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ зотлар ватани,”Авесто”дек ўлмас асар яратилган табаррук тупроқ –Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳур. Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳловонларни кўп кўрган”,¹ деб Хоразм тарихига бўлган бугунги кундаги муносабатни яққол кўрсатиб берган.

¹Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000. -Б.75.

Мавзунинг хронологик чегарасини XVI асрдан XX асргача бўлган даврдаги Хива хонлигининг маданий ҳаётига оид тадқиқотлар ташкил қилади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ушбумавзу мустақиллик даврида бир қатор ўзбек олимлари томонидан ўрганилган. Хусусан, бу борада Н.Полвонов ва О.Қўшжонов², С.Ҳасанов³, А.Абдурасулов⁴, Д.Бобожонов ва М.Абдурасулов⁵, Қ.Муниров⁶нинг асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

О.Қўшжонов ва Н.Полвоновнинг “Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар” асарида, асосан, Хива хонлигидаги жаид ҳаракатига, унинг асосида ташкил топган таълим тизимига қаратилади.

С.Ҳасановнинг “Хоразм маънавияти дарғалари” номли асарида эса Хоразмда етишиб чиққан алломалар ва уларнинг фан соҳасига қандай янгиликлар қўшганлиги келтириб ўтилади.

А.Абдурасуловнинг “Хива” асарида Хива хонлигидаги мадрасалар қатори, улардаги таълим тизими, адабий муҳит ёритиб берилган. Хусусан, таълим тизимига оид қуйидаги маълумотни учратишимиз мумкин: “Хивадаги рус-тузем мактабининг асосий мақсади маҳаллий миллат болаларига рус тилини ўргатиб, маҳаллий таржимонлар тайёрлашдан иборат эди. Чунки ҳали хонликда рус тилида иш юритиш, келган мактубларни ўқиш ва таржима қилиш, номалар битиш соҳасида қийинчиликлар туғилаётган эди. Ҳолбуки, Петро Александровск (ҳозирги Тўртқўл) шаҳрида очилган рус-тузем мактабини бу даврда бир қанча хивалик ёшлар, жумладан, Асфандиёр тўра, Муҳаммад Аминаддин Муҳаммад ҳожи Аминаддин ўғли 1892-1897 йилларда Франциянинг Тулуза шаҳридан сувхўжалиги коллежида таълим олган замонавий маълумотли биринчи ўзбек ирригатори эди”.

Яна шу китобда қуйидаги хабар келади: “Феруз фармонида мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда биринчи янги усул мактаби очилди. Унда

²Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. -Т.: 2007.

³Ҳасанов С. Хоразм маънавияти дарғалари. -Т.: 2001.

⁴Абдурасулов А. Хива.-Т.: 1997.

⁵Бобожонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар.- Хива, 2008.

⁶Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик.-Т.: 2002.

Хусайин Қўшаев деган Туркиядан келган ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бера бошлади. Маҳаллий халқ вакиллариининг мазкур мактабга қизиқиши ортиб, декабр ойига келиб, бу мактаб ўқувчилариниш 45 таси маҳаллий милат фарзандлари эдилар. Хусайин Қўшаев 1906-1907 ўқув йилида хонликдаги илғор маърифатпарвар кишиларнинг, энг аввало, ота-оналарнинг орзу истакларини ҳисобга олиб, Урганчда қизлар мактаби ташкил этди. Бу муҳим воқеадан хурсанд бўлган Феруз Урганчга бориб, мазкур мактаб иши билан танишди ва Хусайин Қўшаевнинг бошлаган фойдали тадбири учун уни қўллаб-қувватлаб, бошоёқ сарпо кийгизди ва хазина ҳисобидан мактабга ёрдам бериб туришга қарор қилди”.

Қ. Мунировнинг “Хоразмда тарихнавислик” асарида Хива хонлигидаги фақат тарихий асарларга эътиборини қаратади. Муаллиф хонликда тарих мактабига хон Абулғози асос солганини ҳам эслатиб ўтади.

Мавзунинг таркибий қисмини кириш, иккита боб (уларнинг ҳар бири икки параграфдан иборат), хулоса ва фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ташкил қилади.

I Боб. Хива хонлиги маданий ҳаётининг тарихий тадқиқотлардаги талқини

1.1. Илм фан ва адабий мухит

Ҳар бир мамлакат ва даврнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланиш тарихи адабиёт ва санъатнинг тараққиёги билан белгиланади. Мозийнинг ўтиш қатламларининг келажакдаги авлодларга етказувчи воситаларидан асосийси адабиёт ва санъат асарларининг дунёга келиши ва мангуликка дахлдорлиги билан ўлчанади.

Абулғозий Ўрта Осиё халқлари, айниқса, ўзбек ва туркман халқлари тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима» номли тарихий асарларнинг муаллифидир. У фақат тарихий асарлар ёзиш билан чекланмади. Тибга оид «Манофий ул-инсон» номли асар ҳам ижод этди.

Шундай қилиб, Абулғозий ўз замонасининг давлат арбоби, атоқли тарихнависи ва олими эди. Унинг қуйидаги сўзларини келтирсак, унинг қандай шахс эканлигини яна очикроқ тасаввур этамиз. «Бу фақирға Худойи таоло иноят қилиб кўб нимарса берган турур. Хусусан, уч хунар берган турур. Аввал, сипоҳийгарликнинг қонуни ва йўсиниким, нечук отланмоқ ва юрумак ва ёвға ёсоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ. Иккинчи, маснавийёт ва қасойид ва ғазалиёт ва муқаттаот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий, форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, Одам аҳдиндан то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳдарнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ва зиёдин билмаклик. Бу вақтда фаҳмламакликда ва тарих билмакликда фақирдек киши шояд Ироқда ва Ҳиндустонда бўлса бўлғай, йўқ айтсам ёлғон бўлғай. Аммо сипоҳийнинг йўсуни билмакликда, бу чоқда мусулмон ва кофирда биз кўриб ва эшитатурғон ерларда ва юртларда йўқ турар. Ер юзи кенг турур, эшитмаган ерларимизда бўлса ажаб эрмас. Бу келтирилган маълумотларга қараганда, Абулғозий шеъриятни яхши тушуниш билан бир қаторда, араб, форс ва туркий тилларни ҳам яхши билган. Тарих илмидан яхши хабардор

бўлган Абулғозий юқорида кўрсатиб ўтилган асарларни тасниф этган. Абулғозийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, бу масала юзасидан, биринчи навбатда, унинг мазкур асарлариға мурожаат қилишға тўғри келади. Чунки ўзи тасниф этган асарларида таржимаи ҳолиға оид анчагина маълумотларни келтиради. Айниқса, «Шажарайи турк» асарида ўз ҳаётиға ва сиёсий фаолиятиға анча батафсил тўхтаб ўтади. Шунингдек, Абулғозийнинг ҳаётиға ҳар хил энциклопедияларда босилган ма- қолалар бағишланган.

Абулғозий ҳақида биографик маълумотлар К.Юсуповнинг диссертация ишида (Абулгази иХивинское ханство в первой половине XVII века) ва А.Ю.Якубовскийнинг «Очерки по истории туркменского народа и Туркменистана VIII — XIX вв. (стр. 216 — 233) номли асарида ҳам келтирилган»⁷.

Абулғозий ва унинг мазкур асарлари ҳақида қуйидаги асарларда ҳам қисқача маълумот келтирилади ёки уни ва асарининг номи тилға олиб ўтилади.⁸

Абулғозий ўзининг туғилиши ва аждодини қуйидагича баён этади: «Урганч вилоятинда тарих ҳижрий минг тақи ўн тўртда (1014) 1605 - 1606 товушқон йили ва асад буржи ва рабиъ ал-аввал ойининг ўн бешинда душанба куни офтоб бирлан баробар тулуъ қилибмиз».

У ота-бобоси ҳақида гапирар экан бундай деб ёзади: «Отамизнинг оти Араб Муҳаммадхон, анинг отаси Оқатойхон, анинг отаси Амнакхон, анинг отаси Ёдгорхон...»⁹

Онасининг исми Меҳрибону хоним бўлиб, Жонғози султоннинг қизи бўлган. Абулғозий 6 ёшға кирганда онаси вафот этади. У 16 ёшға киргунча Урганчда отаси қўлида тарбияланади.

⁷Толстов С.П. Древний Хорезм. -М.: 1948: По следам древнехорезмийской цивилизации. -М., Л.: 1948.-С. 45.

⁸Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи (қадимги замонлардан ҳозиргача). -Т.: 1959. -Б. 7.

⁹ Толстов С.П. Беруний ва унинг замони («Беруний -Ўрта асрнинг буюк олими»). -Т.: 1950.- Б. 4.

Араб Муҳаммадхоннинг Асфандиёрхон, Ҳабаш султон, Элбарс султон, Абулғозийхон, Шариф Муҳаммад султон, Хоразмшоҳ султон, Авғон султон номли етти ўғли бўлган¹⁰.

Мазкур етти ўғил Араб Муҳаммадхоннинг бир неча хотинидан дунёга келган фарзандлари эдилар. Абулғозийнинг ёзишича: «Асфандиёрхоннинг онаси ўз жамоатимиздан эрди. Ҳабаш ва Элбарснинг онаси Найман қизи бўлиб, бир онадин эрди. Шариф Муҳаммад султон бирлан Хоразмшоҳ султон иккисининг онаси Хожа Мавдуд Чиштий авлодидан эди. Авғон султоннинг онаси Абулхайрхон авлодидан эрди»¹¹.

Абулғозий аввало катта акаси Ҳабаш султон билан Урганчда ҳоким бўлиб туради. Кейинчалик ўрталарида низо пайдо бўлгандан сўнг Ҳабаш билан бирга Урганчда тура олмаган Абулғозий Хивага отаси араб Муҳаммадхон ҳузурига келади. Бу ерга келгандан кейин Араб Муҳаммадхон Абулғозийни Катга ҳоким қилиб тайинлайди. Абулғозий Катда ҳоким бўлиб турганда отаси Араб Муҳаммадхондан ўз аскарлари билан унинг ҳузурига келишга фармон олади. Араб Муҳаммадхон, Абулғозий, Асфандиёр ва Шариф Муҳаммадлар Ҳабаш ва Элбарс устига юриш қиладилар. Бу юришда Араб Муҳаммадхон енгилади, қўлга тушади ва кўзи кўр қилинади. Минг машаққатлар билан сувдан кечиб ўтган Абулғозий аввало Катга ва у ердан Имомқулихон олдига келади. Абулғозийнинг ёзишича, Имомқулихон саройида турган Абулғозийга акаси Асфандиёр хат ёзиб, Ҳабаш ва Элбарсга қарши бошлаган курашда ёрдамлашишни сўраган. Аммо Имомқулихон унинг боришига рухсат бермаган. Абулғозий Имомқулихон саройида икки йил туради.

Маълум курашдан сўнг Ҳабаш ва Элбарс устидан ғалаба қилган Асфандиёрхон Имомқулихон саройига ўз инилари Абулғозий ва Шариф Муҳаммадни сўратиб киши юборади. Шундан кейингина Имомқулихон уларга Хоразмга қайтишга рухсат беради. Сўнггра Абулғозий Хивага қайтади

¹⁰ Абулғозий. Шажараи турк. -Т.: 1992.-Б. 89.

¹¹ Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркской рукописей Института народов Азии. Т.1. -М.: 1965. -С. 93.

ва Асфандиёр уни Урганчга ҳоким қилиб тайинлайди. Энди Асфандиёр билан Абулғозий ўртасида келишмовчиликлар майдонга келган эди. Лекин шу аҳволда бир қанча вақт Абулғозий укаси Шариф Муҳаммад билан Урганчда ҳоким бўлиб турадилар.

Урганчда туришнинг иложини топа олмаган Абулғозий Туркистон ҳокими Эшимхон ҳузурида уч ой туради. Сўнгра Абулғозий Тошкентга келади ва Тошкентда икки йил туради. Сўнгра Абулғозий Имомқулихон олдига келади. Кейинчалик Абулғозий Хивага қайтади. У Хивага келгандан икки ой ўтгандан кейин Шариф Муҳаммад Ҳазораспга — Асфандиёр ҳузурига боради¹².

Абулғозий билан Асфандиёр ва Шариф Муҳаммад ўртасида яна кураш бошланади. Бир неча бор юришлардан сўнг Абулғозийни енга олмаган Асфандиёр Абулғозийни ҳийла билан қўлга туширади ва ўзига ишончли бўлган 20 киши билан уни Эронга Обивардга жўнатади. Улар Абулғозийни олиб бориб Обивард ҳокимига топширадилар. Обивард ҳокими Абулғозийни Хуросоннинг беютар бегига топширади. У Абулғозийни Ироққа юборади.

Шу вақтда Шоҳ Аббос ўлиб, набираси Шоҳ Сафо тахтга ўлтирган эди. Абулғозий уни Ҳамадонда зиёрат қилади. Шоҳ Сафо Абулғозийни Исфaxonга юборади. Унга у ерда уй-жой тайин қилади ва харажат учун йилига 10000 танга ажратади. Абулғозий назорат остида сақланади.

Шундай қилиб, Абулғозий Исфaxon шаҳрида 10 йил туради. Сўнгра у ердан ўз юртига қайтишга ҳаракат қилади. Бир қанча тадбирлар ишлатиб, у ердан чиқиб олишга муваффақ бўлади. Бу масала унинг «Шажарайи турк» асарида батафсил ёритилган. Исфaxonдан чиқиб Бастомга келганда қўлга тушишига сал қолади. Ҳар хил ҳийлалар ишлатиб, бу можародан қутулган Абулғозий ўз ҳамроҳлари билан Хуросоннинг Маҳин деган қишлоғига келади. У ерда баҳоргача туради.

Баҳор бўлгандан сўнг Абулхон бориб, у ерда икки йил яшайди. Ундан сўнг Манқишлоққа боради ва у ерда бир йил туради. Сўнгра Урганчга

¹² Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. -Т.: 2002. -Б.26.

келади. Абулғозий (1052) 1642 — 1643 йили Урганчга келган эди. У Хоразмга қайтгандан олти ойдан сўнг Асфандиёрхон вафот этади. 1054 (1644 -1645) йили Асфандиёрхон ўлгандан бир йил ўтгандан кейин Амударёнинг денгизга қуяр ерида яшаётган халқ Абулғозийни хон қилиб кўтарадилар. Бундан икки йил бурун иниси Шариф Муҳаммад ҳам вафот этган эди.

Оролда хон қилиб кўтарилган Абулғозий бир қанча курашдан сўнг 1054 /1644 - 1645 йили Хива тахтини эгаллайди ва 1074/ 1663-1664 йилгача Хивада хонлик қилади. 1074 /1663 - 1664/ йили хонликни ўғли Анушага топширади ва 1664 йили вафот этади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Хива хонлигида гарчи сиёсий ва иқтисодий соҳада танглик юз бериб, эркимиз қўлдан кегган бўлса-да, маънавиятмизни аслида, ўзлигича сақлаб қолишга муваффақ бўла олдик. Бу даврда Хивада адабий муҳитининг камол топиши ва юксакликка кўтарилишида икки нозикқалб санъаткор — Мунис ва Огаҳийнинг роли жуда катта бўлди. Улар Хива адабий мактабида ўлмас оқимни вужудга келтирдилар ва издошларига туганмас мерос қолдирдилар¹³.

Шермуҳаммад мироб Авазбий ўғли — Мунис (1778 — 1829 йиллар) ота-боболари касб-ҳунари бўйича мироблик қилган. Хонликда сув тақсимооти, ерларни ўзлаштириш, ариқлар қозиш, сув иншоотлари қурилишига шахсан бошчилик қилган. Мунис тарихда "мироб" сифатида эмас, шоир тарихчи номи билан мангу муҳрланиб қолди. У хонлик тарихини ёзишга киришар экан, ҳар бир давр кишилари ва эл-улус ҳаёти, миллий анъаналар, бунёдкорлик ишларини тўла тарзда, ўқимишли ёзишга, воқеликни аниқ ва холис тасвирлашга, ҳар қандай бўрттиришлар, ортикча улуғлашлардан холи қилишга уринди. 1802 йилда Муҳаммад Раҳимхон I топшириғига кўра хонликтарихини ёзишга киришади ва "Фирдавс ул иқбол" (Бахт боғи) номи билан улкан солномани

¹³ Абдурашулов А. Хива. -Т.: 1997.-Б. 94.

яратади. Солноманинг бир қисмини (у беш бобдан иборат бўлиб тарихий- хронологик тартибда ёзилган) Мунис, қолган қисмини унингжияни, шоир-муаррих Муҳаммад Ризо мироб Эрнӣёзбек ўғли Оғаҳий битишган, Тоға жиян шоирлар ва тарихчиларнинг қаламига мансуб нафис ғазаллар ўзбек мумтоз шеърятининг ўлмас меросидан ўрин олган. Икки улкан шоир ижоди ҳақида жуда кўплаб рисоалар ёзилган, девонлари қайта-қайта чоп қилинган.

Оғаҳий (1809-74 йилларда) Хивада яшаб ижод этган. Мунис хон амрига кўра “Фирдавс иқбол”нинг бошламасини, токи хонлик тарихининг 1812 йилгача бўлган даврини қоғозга туширди. Оғаҳий зиммасига эса шу улкан ишнинг энг масъулиятли ва оғир қисми тушди¹⁴.

Оғаҳий 1844 йилда “Риёз уд давла” асарини яратди. Унда Оллоқулихон ҳукмронлиги (1825-42) даврида хонликда рўй берган воқеалар тафсилоти тасвирланган. Ундан кейинги хон Раҳимқулпхон (1842-46) даврини акс эттирган “Зубдатут таварих” асари, Муҳаммад Аминхон (1846-55) хонлиги даврининг солномаси бўлмиш “Жамеъ ул воқеати Султоний” асарини, Саид Муҳаммадхон (1856-63) даври тарихи ҳисобланмиш “Гулшан давлат” асарларини ёзди. Умрининг сўнгги йилларида эса Муҳаммад Раҳимхон II хонлигининг илкдаври ҳақида “Шоҳиди иқбол” асарини ёза бошлаган. Мунис ва Оғаҳий яратган солномаларнинг қадри-қимматини улуғ олимлар жуда юқори баҳолашади. Ўрта Осиё тарихининг билимдони, шарқшунос академик В.В.Бартольд бу асарлар ҳақида фикр юритиб: “Мунис ва Оғаҳий асарларининг қанчалик камчилиги бўлмасин, улар ўзининг далилий материаллари, баён қилиниш услуби изчиллиги билан

¹⁴ Абдурасулов А. Хива. -Т.: 1997.-Б. 95.

бизгача етиб келган Бухоро ва Қўқон хонликлари ҳақидаги тарихий асарлардан устун туради”¹⁵.

Мунис ва Огаҳий бошлаб берган тарихнавислик оқими Хивада яна бир улкан солномачини дунёга келтирди. Бу Муҳаммад Юсуф Бобобек ўғли Баёнийдир. У хонлик тарихини давом қилдириб, “Шажараи Хоразмшоҳий” номли йирик асарини яратди.

1911 йилда Асфандиёрхон Огаҳийдан сўнг давом қилдирилмаган солномачиликни тўлдириш мақсадида Баёнийга шундай топшириқ беради: “Хонлик тарихи жуда содда тилда ёзилсинки, уни ўқиган беш яшар болага ҳам тушуникли бўлсин!” Баёний Хиванинг 1872-1912 йиллардаги тарихини ўз ичига олган асарини 1914 йилда тугаллади. Солномачи воқеаларни баён қиларкан, ўзи гувоҳ бўлган, эшитган, тўплаган манбаларга суянди, шунингдек, рус босқинчиларининг шу даврдаги Хивага юриши баёни, унинг воқеаларига оид асарларидан ҳам фойдаланди. Қўлёзма, асосан, 16 бобдан иборат бўлиб, Асфандиёрхон даври (1910-18) билан якунланади. Баёний асардаги воқеаларнинг ҳаққонийлигига кафолат бериб, қуйидагича ёзади: “Тарих китоби ёзишнинг бир шарти бор: Тарихий воқеаларни ёзувчи тарафдорлик қилмасдан, бўлган воқеаларни ростлик билан баён қилиши шарт. Агар ростлик ила баён қилмаса унинг сўзлари ҳеч бир одамга маъқул бўлмайди”¹⁶.

Баёний асарига тарихчилар катта баҳо бериб, воқеалар тадрижи, изчиллиги, далилий материалларнинг қўплиги жиҳатидан ҳатто Огаҳий ва Мунис солномаларидан ҳам қимматроқ эканлигини таъкидлашган.

1920 йилги хонликдаги воқеалар, инқилоб шиори остида рўй берган сиёсий ўзгаришлардан сўнг Баёний асарини қайта таҳрир этди ва уни “Хоразм тарихи” деб атади. Қайта таҳрир пайти муаррих уни ортиқча мақтову- ҳашамлар, ҳар бир бобда ҳукмдор шаънига ўқиладиган ҳамдусанолардан тозалади ва воқеликларга ҳукмдорлар ҳаётни тарк

¹⁵ Абдурашулов А. Хива. -Т.: 1997.-Б.95.

¹⁶ Баёний. Шажарайи хоразмшоҳий. -Т.: 1994.-Б. 49.

этганларидан сўнг қайта бир кўз ташлашга жазм этди. Асар ана шу жиҳатдан бебаҳодир.

Биз уч йирик солномачи ҳақида қисқа маълумот бердик. Ўтган асрнинг иккинчи ярми ва асримиз бошларида Хивада адабиёт, санъатнинг ривожланишига шарт-шароит яратган, уни қўллаб-қувватлаган яна бир шахс борки, бусиз хонлик тарихи ҳам, адабий муҳити ҳам қашшоқ ҳолича қолаверарди. У шахс ўзининг бадиий иқтидори, чексиз имкони, қудратли ҳокимияти билан ҳам бутун бир давр яратди. Бу 1863-1910 йилларда Хива хони тахтида ўтирган Саид Муҳаммад Раҳимхон II — Ферузидир.

Феруз туғма иқтидорли шоир эди. Саройда қирқдан ошиқ адабиёт ихлосмандларини тўплаб, адабиётни ривожлантирди, санъат ва маданият тараққиёти тўғрисида ҳам бош қотирди. Ўзи ёзган нафис ғазаллардан тузилган девон ундан кейинги шоирларга илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди.

Муҳаммад Раҳимхон II 1874 йилда Ўрта Осиёда биринчи марта Хивада тош босма ташкил қилади. Шу давргача барча китоблар моҳир хаттотлар томонидан қўлда кўчирилиб, жуда кам нусхани ташкил этарди. Кўхна Аркда тош босманинг ишга туширилиши билан имконият чегаралари кенгайди, мумтоз адабиётимизнинг ўлмас намуналарини кўп нусхада чоп этиш, ўқувчиларга етказиб бериш мумкин бўлди. Тошбосмада илк бор эронлик Иброҳим Султон деган киши матбаачилик қилиб, бу шўъбанинг бошлиғи шоир Табибий бўлган. Чоп этилган китоблар савдога чиқарилмас, фақат олим, фузалоларга, мадрасаларга бериларди.

Тошбосма 1908 йилда Тоза боғга кўчирилган. Унга Отажон Абдалов матбаачилик қилган. Бу ерда Навоийнинг “Хамса”си, Муниснинг “Девони Мунис”, Огаҳийнинг “Девоний Огаҳий”, Ферузнинг “Девони Ферузи”, шунингдек, Комил Хоразмий, Муҳаммад Юсуф Рожий, Муҳаммад Табибий, Муҳаммад Расул Мирзо каби иқтидорли шоирларнинг баёз ва девонлари чоп этилганди.

Феруздан бизгача ҳаттоки битта девон ва битта баёз ҳам чоп этилмай, архивларда чанг босиб ётди. Ошкоралик сиёсати туфайли яқиндагина Феруз ғазаллари нашр қилинди, унинг ҳаёти ҳақидаги рисола дунё юзини кўрди.

Муҳаммад Раҳимхон саройида кўплаб шоирлар, тарихчилар, санъаткорлар ижод қилгани ҳақида 1908 йилда Хивага келган А.И.Самойлович шундай ёзади: Шоирлар орасида хон оиласи вакиллари ҳам бўлиб, сарой амалдорлари Каримдор ясавулбоши, Юсуфбек, рус армиясининг капитани, Урганч шаҳар ҳокими Шайх Назарбой ва бошқа кишилар бор эдилар. (Санкт-Петербургдаги Салтиков — Шчедрин номидаги маданият кутубхонаси А.Н.Самойлов архив. Ф-671, д. 145, 28-варақ)¹⁷.

Феруз даврида ижоди камол топган шоирлардан бириси Аваз Ўтар ўғли бўлиб (1884-1919), у жуда ёш пайтиданок ноёб иқтидори билан тилга тушади, элга танилади. Сартарош оиласида туғилган Аваз бир муддат хон саройида ишлайди, адабий муҳитда қатнашади. Аммо, хон тузуми, амалдорларининг ноҳалоллик ва элнинг оғир аҳволи ҳақида ёзган ҳажвий ва аччиқ ҳақиқатни кўрсатувчи ғазаллари билан хон ва унинг амалдорлари зуғимига учрайди. Саройдан ҳайдалади, калтакланади, оғир хасталикка учрайди. Умрининг охирларида инқилоб мавзусида ҳам шеърлар яратади.

Шу даврда Хива адабий муҳитининг улкан намояндаси Паҳлавон Мирзабоши (Комил Хоразмий) -(1825-1899), Аҳмаджон Табибий (1869-1911), Чокар (1872- 1925) ларни қўшиш мумкин.

Комил Хоразмий етук шоиргина бўлмасдан, моҳир бастакор ҳам эди. У ўн йил давомида (1873-83 йиллар) девонбеги лавозимида ишлаган. Хон томонидан Қашқарга, Тошкентга, Бухорога, Самарқандга бир неча марта элчи бўлиб боради. 1883 йилда хон билан бирга Петербургга ҳам сафар қилади.

Комил Хоразмий Ўрта Осиёда илк бор мусиқа нотасини яратади. Унга ўғли Расул Мирзо ҳам бу борада ёрдам беради. Комил Хоразмийнинг машаққатли

¹⁷ Абдурашулов А. Хива. -Т.: 1997.-Б. 97.

меҳнати ва изланиши самараси ўлароқ Хоразм мақомлари илк бора нотага туширилади.

Аҳмаджон Табибий айни кезде хон саройиинг билимли табиби ҳам эди. У хонга яқин киши, унинг маслаҳатгўйи ва севимли шоири бўлган. Шу боис сарой шоирларининг етакчиси, тошбосма ва хон кутубхонаси бошлиғи бўлади. 1908 йилда сарой шоирларидан ўттиз уч нафарининг ғазалларини тўплаб, девон тартиб этади, уларга қисқача маълумотлар ҳам беради. У жуда ёш — ўттиз саккиз ёшида бевақт вафот этди.

Асримиз бошларига келиб сарой шоирлари сафи кенгайди. Муҳаммад Расул Мирзо, Мутриб, Хонахаробий, Факрий, Рожий каби талантли шоирлар ижод қилдилар.

Муҳаммад Раҳимхон кўрсатмаси билан шу даврда ижодкорлар жуда савобли ишларни амалга оширадилар — бир қатор форсий ва арабий китобларни ўзбек тилига ўгирадилар. Жумладан, Наршахийнинг “Бухоро тарихи”, “Тарихи Табарий”, “Шайбонийнома”нинг 12 жилди, “Зафарнома”, “Эрон тарихи”, “Тавкираи Давлатшоҳ”, “Тўтинома ва “Маърифатнома” каби асарларни ўз тилимизга ўгириш билан миллий маданиятимиз ривожига ҳисса қўшдилар.

Феруз шоиртабиат ва санъатга ихлоси баланд нозик дид киши бўлганидан саройда ва Тозабўғдаги саройида ноёб китоблар йиғилган шахсий кутубхоналари бўлган. Кўхна Аркдаги кутубхонасида дунёнинг турли бурчакларида арабу форс, чигатой, турк, нўғой тилларида ҳусни-хат қилинган 550 дан ортиқ нодир китоблар сақланган. Буларнинг 30 дан ортиғи Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий қаламига мансуб бўлган. 1874-79 йилларда Хивада тошбосма усулида чоп этилганди.

Тозабўғдаги кутубхонада эса 200 дан зиёд нодир китоблар асралиб, улар махсус теридан тайёрланган муқовали кам нусхадаги ҳинд, форс, турк тилларидаги асарлар эди.

1873 йилдаги рус истилоси даврида фон Кауфман хон саройидаги 300 дан зиёд китобни олиб кетгани рус подшосига совға қилгани маълум.

I.2. Таълим тизими

Биз юқоридаги бобларда шаҳар мактаблари ва мад-расаларда таълим ҳақида озми-кўпми маълумотлар бергандик. Унда минг беш юз мактабда қирқ беш минг нафар бола ўқигани, шунингдек, бир қатор мадрасаларда талабалар таҳсил кўришганини баён қилганмиз. Ўқитиш методикаси ҳақида ҳам бир оз тушунча беришга интилдик.

Қўшимча тарзда шуни айтиш керакки, хонликда ва ундан кўп қарра қадимий ҳисобланмиш шаҳарда маориф соҳаси илдизи кўп ибтидодир. Негаки, ўнинчи асрларда Кўҳна Урганчда Маъмун академияси фаолият кўрсатгани; ундан улуғ алломалар етишиб чиққани тарихдан маълум. Хоразмийлар давлат пойтахти Кўҳна Урганч шаҳридан ҳам қадимийроқ Хивада эрамиз бошларида таълим-тарбия ишларининг ўзига хос услуби шаклланиб етганди. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино,

Маҳмуд Замахшарий каби жаҳон фанининг устунлари етишиб чиққан, таълим олган тупроқ ҳақида ортиқча гап сотиб, таълимнинг қадимийлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак...¹⁸

Рус босқинидан сўнг эса халқ таълими соҳасида олдинга силжиш рўй берди, деб ишонч билан айтиш қийин. Негаки, рус-тузем мактабларида фақат пулдорларнинг болалари таҳсил олишган, айти пайтда рус маданияти, маорифи, урф-одатлари кириб келиб, минг йиллик миллий анъаналаримизни сиқиб чиқара бошлади ҳам. Инсон табиатидаги ҳар қандай янгиликка қизиқиш психиологияси устун келиб, одамларда руслар зўравонлик билан тикиштираётган янгиликларга қизиқиш ўса борди. Россияда чоп қилинган асарлар, Қозонда тошбосма усулида нашр этилган Қуръон китоблари, Эрон шоирларининг девонлари кўплаб келтирила бошланди. Мадраса толиблари энди янги асарларни ҳам ўқиш бахтига мушарраф бўлдилар. Айти кезде рус тилига бўлган қизиқиш туфайли, савдогарлар, зиёлилар орасида оврупоча маданиятга эга кишилар ҳам етишиб чиқдилар. Рус-тузем мактабларида асосан адабиёт фани, маданияти кенг тарғиб қилинган.

XIX асрда рус демократик адабиёти ҳаракатларининг кенг ёйилганлиги узоқ хонликдаги халқ оммасининг озчилик қисми онгига бўлса-да етиб келишида рус педагогларининг роли катта. Оқибатда эски мактабларни ислох қилиш ғоясини олға сурган, ҳатто жамиятни қайта қуриш тарафдорлари бўлган жади́дчилик ҳаракати таъсирида Хоразмда “Усули жади́д” мактаблари кўпая борди. Асримиз бошларида уларнинг сони тўрттага етганди. 1911 йилда очилган ана шундай мактаблардан бирида ўқувчиларни санокли ойлар ичида ёзишга ва ўқишга ўргатишарди. Бу албагга ўн йиллаб эски мактаб ва мадрасада таҳсил кўриб, умрининг тенг ярмида савод чиқазишга кетадиган эскича ўқитиш усулига қарама-қарши куч эди. Хива яқинидаги Оқ мачит қишлоғида яшаётган немис-меннонитлар болаларини ўқитиш учун махсус бошланғичмактаб ҳам ишлаб турган. Бу мактабда 1909 йилда 20 нафар, 1920 йилда эса 25 нафар бола ўқиган.

¹⁸ Абдурашулов А. Хива. -Т.: 1997.-Б.92.

Асримиз бошларига келиб, жаидларнинг саъйи ҳаракатлари туфайли халқ таълими соҳасида жиддий ўзгаришлар сезила бошлади. Оқибатда янгича таҳсил кўрган замонавий зиелилар синфи шаклланиш босқичига кирди.

Раҳмонкул қори каби талантли таълим-тарбия усталари сабоқ берган Хивадаги мактабда 1887 йилда 11 та ўқувчи таълим олган. 1891 йилда Комил Хоразмий ташаббуси билан Хивада очилган рус-тузем мактаби тўғрисида «Туркистон вилоятиинг газети» шундайхабар берган: «...ХивамамлакатадаРусиятилини ўрганмоқнинг бошланишини хоҳлаб, Русия тилида таълим берадургон мактабхона отаб, ул мактабда ўн бола учун жой ва харажат таъмин қилинибдур. Ушбу йил апрель ойида Туркистон вилоятидаги тамоми Русия мадрасаси ва мактабхоналарининг нозири Хивага бориб ... мазкур мактабни кўрибдур.. Хон (Феруз) андин Хивага бир ўрис домласи юбормоқни илтимос қилибдур. Шул сабабдин Русия тили ва илми ҳисобини ўргатмоқ учун ушбу йил Тошканд шаҳрида Учительская семинарияни жуда яхши хатм қилгон қозоқ мусулмон Ҳусайн Иброҳим ўғлини мактабхонага домлаликка тайинлабдур». 1892 йилда Комил Хоразмий Тошкент типолграфияси, театри, гимназия ва мактаблари, касалхоналари, газеталари муҳарририяти иши билан танишиб қайтгач, Феруз билан келишиб бу соҳаларни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқди ва рус-тузем мактабининг иши янада яхшиланди.

Хивадаги рус-тузем мактабиниинг асосий мақсади маҳаллий миллат болаларига рус тилини ўргатиб, маҳаллий таржимонлар тайёрлашдан иборат эдн. Чунки ҳали ҳонликда рус тилида иш юритиш, келган мактубларни ўқиш ва таржима қилиш, номалар битиш соҳасида қийинчиликлар туғилаётган эди. Ҳолбуки, Петро Александровск (ҳозирги Тўрткўл) шаҳрида очилган рус-тузем мактабини бу даврда бир қанча хивалик ёшлар, жумладан, Асфандиёр тўра, Муҳаммад Аминаддин Муҳаммад ҳожи Аминаддин ўғли 1892-1897 йилларда Франциянинг Тулуза шаҳридан сувхўжалиги коллежида таълим

олган замонавий маълумотли биринчи ўзбек ирригатори эди¹⁹.

Рус-тузем мактабида таълим олиш ҳамда бир неча бор отаси номидан Петербург ва Москвада бўлиши Асфандиёрхон қарашларига таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам бошқа тўраларга нисбатан Асфандиёрхон янгиликларга анча мойилбўлган. Бу эса, манбаларда таъкидланганидек, унинг валиахд рутбасига эга бўлиши ва хонлик тахтини эгаллашида янгилик ва ислохотлар тарафдорлари, хусусан, вазир Исомхўжанинг қўллаб-қувватлашига сабаб бўлди. Буларнинг таъсирида Асфандиёрхон ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ислохотлар ўтказилишига катта йўл очиб берди. Ҳасан Мадаминовнинг «Хива хонлиги тарихидан лавҳалар» номли қўлёзмасида кўрсатилишича, у дунё сиёсатидан бохабар бўлиши учун бир қанча газета ва журналларни олдириб, уларни таржимонлар ёрдамида ўқиб ҳам турган. Бу эса мамлакат бошқарувида ислохотлар ўтказиш ва жаҳидлар фаолиятининг кенгайишига анча имконият яратган.

Муҳаммад Раҳимхон соний (Феруз)нинг ҳомийлиги, хонликда XIX аср охирларида биринчи амалдор даражасида девонбеги ва мирзабоши лавозимларида ишлаган Комил Хоразмий амалиёти, энг юқори диний лавозимдаги қозикалон Салимохун (Бобоохун Салимовнинг отаси) хайрихоҳлиги, валиахд Асфандиёрхоннинг мойиллиги Хива хонлигида янгилик ва ўзгаришларни амалга оширишга субъективомил бўлди. Хонлик ҳудудида капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топа бориши, уруғ-аймоқчилик муносабатларининг жамият тараққиётида тўсиқ бўлаётганлигини англаш, Россия билан сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг тобора кучайиши бу жараёнга объектив асос бўлди.

Петербургдан 1898 йилда инқилобий фаолияти сабабли Кисляков, Андреев, Сафронов каби талабаларнинг Хива хонлигига сургун қилиниши бу ҳудудларга ҳам Россиядаги ўзгаришлар, турли хил оқимларнинг қарашлари кириб кела бошлашига сабаб бўлди. Сафронов билан бевосита яқин

¹⁹Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. -Т.: 2007.- Б. 121.

танишлик, кейинчалик Ёш хиваликлар иартиясининг асосчиси Полвонниёз хожи Юсупов қарашларининг шаклланишига ўзига хос таъсир қилган.

Хива хонлигида ҳам жади́дчи́лик ғояларининг тарқалиши ва янги усул мактабларининг очилишида татар миллатига мансуб зиёлиларнинг хизматлари катта бўлди. 1905 йидда Нижний Новгородда бўлиб ўтган мусулмонларнинг съезидан кейин улар Холисжон Борудий раҳнамолигида Туркистон, Бухоро ва Хоразм билан алоқаларни йўлга қўйиб, бу ерларга ўз тарбияланувчиларини юбора бошладилар. Дастлаб Борудий хон ва амалдорлар болаларини ўқитиш учун Биккулин Тавфиқ ва Юсуф Аҳмедовларни Хоразмга юборган. Бу пайтда Хива хонлиги ҳудудида 8 та жади́д мактаби бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз фармонида мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда дастлабки янги усул мактаби очилган. Унда Туркиядан келган Ҳусайн Қўшаев деган ўқитувчи ёшларга таълим берган. Қисқа вақтда ўқувчилар сони 55 тага етган. Ҳусайн Қўшаев ташаббуси билан 1906-1907 ўқув йилида илғор маърифатпарвар кишилар ва оқсоқоллар истак ва ёрдамлари билан Урганчда қизлар мактаби очилган. Феруз Урганчга бориб, мактаб иши билан танишиб, Ҳусайн Қўшаевга сарупо кийгизган, хазина ҳисобидан ёрдам ажратган.

Янги усул мактабларига дарс бериш учун келган жади́д зиёлилари бу ҳаракат (жади́дчи́лик)нинг отаси Исмоилбек Гаснринский ғояларини Хоразм халқи орасига ёйиш учун фидойилик кўрсатиб ишладилар. Улар ўзаро урушлар, рус мустамлакачилиги сиёсати натижасида истибдодга, маънавий инқирозга юз тутган мусулмон халқлари хонадонларида маърифат чироғини ёқдилар. Тинч йўл билан, маърифат ва маданият орқали тузумни ўзгартириш, мустамлакачилик сиртмоғидан қутулиб, озодлик-истиклолга эришишни тарғиб қилган бу зиёлиларнинг яна бир хизмати шундаки, улар Россиянинг турли шаҳарлари ва бошқа жойлар (Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, араб мамлакатлари)да чиқаётган «Вақт», «Иттифоқ», «Таржимон», «Тараққий», «Юлдуз» газеталари, «Дин ва маишат», «Шўро»

журиаллари, Туркиянинг Истанбул шаҳрида турк тилида нашр қилинган «Вахдат», Калькуттада чиқаётган «Ҳабл-ул матин» газетаси ва кўпгина ижтимоий-сиёсий адабиётларни хонлик ҳудудида тарқатиб, ерли аҳолининг, хусусан, зиёлилар сиёсий онгининг уйғонишига, дунёда бўлаётган воқеалардан бохабар бўлишларига имкон яратдилар.

Хива хонлигида жадинчилик ҳаракатининг шаклланишида завод ва фабрикаларда, банк ва компанияларда, армияда хизмат вазифаларини бажариш ёки сургун муддатларини ўташ учун келган саводли, демократик кайфиятдаги кишилар ва уларнинг маҳаллий аҳоли билан алоқаси ҳам маълум даражада таъсир кўрсатди.

Юқорида кўрсатилган омиллар XX аср бошларида Хива хонлигида маҳаллий буржуазиянинг илғор вакиллари, савдогарлар, майда буржуазия ва хунармандлар орасида жадинчилик ғояларининг вужудга келиши ва тарқалиши учун асос бўлди.

Академик Бахтиёр Назаров жадинчилик ҳаракати тарихининг тарихшунослиги ҳақида тўхталиб: «... 60-80 йилларда бирмунча силжишдек кўринган жадинларни ўнг ва сўлларга ажратиб баҳолаш эса, аслида, моҳият эътибори билан жадинчиликнинг шўро тузумини ёқлаш ва уни мустаҳкамлаш йўлига ўтган вакилларини оқлаш тадориғидаги устомонликдан бошқа нарса эмас эди», - деб тўғри фикр билдирадилар²⁰.

Айниқса, Хива жадинларини ўнг ва сўғх оқимларга бўлиш мумкин эмас. Мавжуд адабиёт ва тадқиқотларда Хива жадинлари ўнг оқимига вазир Исломхўжа бошлиқ савдо-саноат корхоналари эгалари ва катта бойлар турганлиги қайд қилиниб, сўл оқимнамояндаларига Бобоохун Салимов, Ҳусайнбек Матмуродов Полвонниёз ҳожи Юсуповларни киритадилар. Лекин улар ҳам амалдор, катта ер эгаси, савдогар ва заводчи бойлардан эдилар. Жўра Тошқулов Хива жадинларини, шу билан бирга, мақсад ва кураш усулларига қараб ҳам ўнг ва сўл оқимга ажратади. Сўл қанот вакиллари мавжуд сиёсий-ҳуқуқий тартиботлар билан мурса қилишни истамай, ҳатто

²⁰Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. -Т.: 2002. - Б. 127.

фитна усулидан фойдаланишга интилишлариборлигиникайдқилиб, 1917йилапрелдачақирилган Мажлиснинг тарқатилиши ва бир канча Ёш хиваликларнинг қамокқа олиниши учун баҳона бўлган воқеани келтирадилар. Бунда асосий айбдор сифатида Хусайнбек Матмуродов ва яна бир неча Ёш хиваликлар камалган эдилар. «Хусайнбек бошлиқ бир неча биродарларимизии ҳибс қилдилар», деб ёзади П.Х.Юсупов Демак, юқоридагилардан кўрииб турибдики, Хива жаидларини ўнг ва сўлга ажратмаслик мақсадга мувофиқдир. Уларнинг барчаси ҳам ислохот, янгилик, таракқиёт тарафдорлари эдилар. XX аср бошларида Хива хонлигидаги жаидчилик ҳаракати янгиликлар тарафдорлари бўлган амалдорлар, маҳаллий бойлар ва савдо аҳли, таракқийпарвар мусулмон руҳонийлари мадраса мударрислари ва толиблари, маърифатпарвар шоирлар Хоразмдаги мактаб ва мадрасаларни, ҳатто ислом динига кейин кириб келган бидъатларни ва урф-одатларнинг айрим қисмларини ислоҳ қилиш, дунёвий фанларни жорий этиш, саводхонлик усуллариини осонлаштириш, ўқувчиларни ўз она тилида кўпроқ ўқитиш ва «ғайри тил»ни билиш каби маърифатпарварлик ғоялари билан чиққан демократия ва адолат, истиқлол ва таракқиёт учун курашувчилар ҳаракати ҳисобланади. Улар сафида Бош вазир Исломхўжа, қозикалон Бобоохун Салимов, шоир Аваз Ўтар, девонбеги Хусайн Матмуродов, савдогар Полвонниёз ҳожи (Полёзҳожи) Юсупов, саноатчи бой Назир Шоликоров, матбаачи-хунарманд Отажон Абдалов, биринчи ўзбек кино-фото устаси Худойберган Девоновлар бор эдилар.

Янги усул мактаблари

Мактабга болалар 7-8 ёшларда, йилнинг исталган фаслида қабул қилинганлар. Мактабни ўзига ҳос дастури бўлиб, унга кўра янги қабул қилинган ўқувчи сабоқни ўзи билан келтирган «қора тахтага» га имом ёзиб берган арабча ҳарфни ўрганишдан бошлаб юборган. Ҳарфларни тўла ёд олган талабага «Абжад» китоби ўқишга рухсат этилган. Абжадни ўрганиш билан болалар «Хафтияк» китобига ўтишган. Бу мушкул бўлиб, ёд олиш

учун камида 2-3йил сарфланган. Хафтиякдан сўнг, ўқувчи «Чор китоб»га ўтган.

Мана шуларни ўрганиб «Сўфи Оллоёрни» мутола қилишгаўтилган, бунга ҳам 2-3йил сарф қилинган. Кейин Шайх Аттор Валининг «Мантиқ» китоби, сўнгра Марказий Осиёда кенг тарқалган Ҳожа Ҳофиз, Бедил, Фузулий девонлари ҳам дастурга киритилган. Бу мактабларда савод чиқариш жараёни 7-8йилга мўлжалланган бўлиб, шундан кейин ўқувчилар саводли бўлиб, оналари ёнига қайтишган. Ўқувчиларнинг озчилиги мадрасаларда таҳсил олишни давом қилдирганлар.

Рус тузем (янги усул) мактаби Ислон Хўжа мадрасасининг қаршисида 1910 йилда Ислон Хўжа томонидан қурилган. Бунгача Муҳаммад Раҳимхон Феруз маҳаллий фуқаро болаларидан илмли кишилар тайёрлаш мақсадида ўз саройида мактаб очди. 1884- йилда очилган бу мактаб рус ўқитувчиси ва Мирзо Раҳмонқули қори каби талантли таълим-тарбия усталари ёшларга билим бериш иши билан шуғулландилар. 1887- йилда бу мактабда 11 та. ўқувчи таълим олиб, шулардан олтитаси Феруз ҳисобидан ўқиган, мана шу мактабда бўлган рус рассоми Л. Е. Дмитриев-Кавказский ўзхотираларида шундай маълумотларни келтиради:- «Эшиклардан бирини очиб, тўғри синф хонасига кириб келдик, у деярли бўш бўлиб, деворига катта жўғрофий ҳарита осилган, токчасида бир қанча китоблар бор эди. Соддагина қилиб ясалган стол, унинг устида сиёхдон, ёнида иккита скамейка. Синфнинг бутун жиҳози ана шулардан иборат эди. Ўқутувчи машғулотни бошқа хонада ўтказмоқда эди. У хонада ҳам деярли ҳеч қандай жиҳоз йўқ, фақат ерга кўрпачалар тўшалган эди. Ҳовлида 11 та болани (11 ёшдан 15 ёшгача) ва бошқа мусулмон ўқитувчисини кўрдим». Бундан ташқари, Феруз фармонида мувофиқ 1904 йилнинг 10-ноябрида Урганчда биринчи янги усул мактаби очилди. Унда Ҳусайин Қўшаев деган Туркиядан келган ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бера бошлади. Маҳаллий халқ вакилларининг мазкур мактабга қизиқиши ортиб, декабр ойига келиб, бу мактаб ўқувчилариниш 45 таси маҳаллий миллат фарзандлари эдилар. Ҳусайин Қўшаев 1906-1907 ўқув

йилида хонликдаги илғор маърифатпарвар кишиларнинг, энг аввало, оналарнинг орзу истакларини ҳисобга олиб, Урганчда қизлар мактаби ташкил этди²¹. Бу муҳим воқеадан хурсанд бўлган Феруз Урганчга бориб, мазкур мактаб иши билан танишди ва Ҳусайин Қўшаевнинг бошлаган фойдали тадбири учун уни қўллаб-қувватлаб, бошоёқ сарпо кийгизди ва хазина ҳисобидан мактабга ёрдам бериб туришга қарор қилди. Мазкур мактабда Ҳусайин Қўшаевнинг турмуш ўртоғи Комила Қўшаева қизларга билим бера бошлади. Хивада рус тилидаги мактаб очилишида Комил Хоразмий ташаббус кўрсатди. У Феруз, Худойберган Девон, Сайид Ислон Хўжа каби илғор маърифат парварлар билан Русия шаҳарларига сафар қилган, у ердаги таълим-тарбия бериш усули билан танишган эди. 1891йилда Хивада очилган мазкур мактаб тўғрисида «Туркистон вилоятининг газетаси» ўзининг 1891 йилдаги 35-сонидан шундай хабар берди. «...Хива мамлакатидан Русия тилини ўрганмоқнинг бошланишини хоҳлаб, Русия тилида таълим берадурғон мактабхона очиб, ул мактабда 10 бола учун жой ва харажат таъмин қилиибдур. Ушбу йил апрел ойида Туркистон вилоятидаги тамоми Русия мадраса ва мактабхоналарнинг нозир... Хевагабориб... мазкур мактабни кўрибдур... Хон андин Хевага бир ўрис домласи юбормоқни илтимос қилибдур. Шул сабабдин Русия тили ва илми ҳисобини ўрганмоқ учун ушбу йил Тошканд шаҳрида Учительская семинарияни жуда яхши ҳатмқилгон қозоқ мусулмон Ҳусайин Иброҳим ўғлини мактабхонага домлаликка тайинлабдур».

Феруз Комил Хоразмийни Тошкент шаҳрига гимназия ва мактаблардаги ўқитиш усулини ўрганиб келиш мақсадида сафарга жўнатади. Комил Тошкент гимназиясида бўлиб, у ердаги домлалар ва ўқувчилар билан суҳбатлашди. Шоир кейинчалик ўз гаасуротларини «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд», ёки «Қасидаи Наврўз» шеърисида баён этди. Ўз вақтида «Туркистон вилоятининг газетаси»да босилиб чиққан мазкур шеърда Тошкент сафари таасуф ютлари баён этилди. Комил Тошкент

²¹ Абдурасулов А. Хива. -Т.: 1997. - Б. 99.

типолитографияси, театри, касалхоналари, газеталари муҳаррияти иши билан танишиб қайтгач, Хевада ҳам бу соҳадаги ишларни ривожлантириш чоратадбирларини сўраб, Ферузга мурожаат этди. Комил фаолияти Феруз томонидаи қўллаб-қувватланди ва рус тузем мактабининг иши янада яхшилана борди. Хивадаги Рус тузем мактабининг асосий мақсади маҳаллий миллат болаларига рус тилини ўргатиб, маҳаллий таржимонлар тайёрлашдан иборат эди. Чунки ҳали хонликда рус тилида иш юритиш, келган мактубларни ўқиш ва таржима қилиш, номалар битиш соҳасида қийинчиликлар туғилаётган эди, шу туфайли Феруз мазкур мактабни батомом ўз ҳомийлигига олди. Рус тузем мактабида рус тили, риёзиёт, тарих, жўғрофия, табиат каби фанлардан ташқари маҳаллий савод (она-тили) ва ислом фани асослари ҳам ўқитиларди. Пушкин, Толстой, Криловнинг шеър, ҳикоя ва масалларидан ташқари, Навоий, Ғузулий, Бедил, Саъдий Шерозий, Машраб, Сўфи Оллоёр каби лирик шоирларимизнинг асарларидан ҳам сабоқ берилди.

Рус тузем (янги усул) мактаби икки қаватли қилиб европача услубда қурилган, умумий узунлиги 21,07 метрни ташкил қилади, иккита даҳлиз, саккизта хонадан иборат. Мактабда хон ва хон аёнларининг фарзандлари ўқитилган. Ўқиш давомида мактабда икки йиллик программа асосида тилмочлар тайёрланган. Мактабнинг илк ўқитувчилари Ҳусайн Қўшаев ва Комила Қўшаевалардир. Улар томонидан тайёрланган ўқув программасида рус тили, она тили, жўғрофия, Хива тарихи ва уй хизматчиси вазифалари ўргатадиган илмлар ўқитилган, ушбу мактаб халқ инқилоби (1920 йил 2 феврал) ғалабасидан кейин илк шўролар мактабларидан бирига айлантирилиб ўқитувчи кадрлар тайёрланган.

II Боб. Хива хонлиги меъморчилиги тарихшунослиги

II.1. XVI-XVIII асрларда маданий ҳаётнинг ёритилиш

Шерғозихон мадрасаси

Шерғозихон (1714-1726) ақлли, жасур, тадбиркор, ҳарбий ишларда жуда моҳир бўлган. Қарияларнинг ривоятларига қараганда, Шерғозихон Машҳадни босиб олгач (1715 йил), 5000 асирни Хивага келтириб мадраса бошлатган. Мадраса 1719 йилда қурилиб битказилган. Унга замонасини тарихчилари “Маскани фозилон” деб ном беришган. Ҳақиқатдан ҳам бу фозиллар уйида буюк шахслар ўқиб тахсил олганлар. Шулардан бири Паҳлавон Қули Равноқ бўлса, бири туркманларнинг буюк шоири Маҳтумқули Фирӯғийдир. Маҳтумқули мадрасани битказиб кетар чоғида миннатдорчилик билан шундай деб ёзади:

Макон айлаб уч йил едим тузингни,

Кетар бўлдим, хуш қол гўзал Шерғози.

Ўтказдим баҳор, қиш, ёзингни

Кетар бўлдим, хуш қол гўзал Шерғози.

Шоир ўзининг шеърларида Хивада ўтган умридан рози эканини эхтирос билан ифода қилган. Махтумқули шеърларини таъсир кучи шундаки, у ҳаётдаги ҳақиқат ва адолатни ўз қалбидан, ўзгалар қалбига етказа олган:

Кошки одам бу дунёга келмаса,

Келганидан сўнг умр сўрса ўлмаса.

Махтумқули, шукр эт сен Худога,

Ўлим баробардир шоҳу гадога...

Таниқли қорақалпоқ шоири Ажиниёз ҳам шу жойда (1840- 1844) тўрт йил давомида таълим олган.

Мадраса Паҳлавон Махмуд мақбараси олдида қурилган, унинг қурилиши тўғрисида бир неча тарих айтилиб мармарга ўйилиб ёзилган ва мадраса пештоғига ўрнатилган. Мармар лавҳалардан тўрттаси бугунгача ўз ҳолича сақланган. Мадрасага кириш эшигининг ёнига ўрнатилган мармар лавҳалардаги 32 мисралик форсий шеърдан биз дунё гулистонидаги бу мадрасани Шерғозихон ўз ақл ва саховати билан қурдирганини, мадрасага вақф қилиб берилган ерларни (Шеробод, Хайробод, Пирновхаст, Полвон бобо қишлоқларидаги 10 000 таноб ердан ҳар йили жуда кўп буғдой, гуруч ва жўхори ҳосили олинар эди) мутавалли, мударрис, имом, муазин, кутубхоначи, фаррош ва яна шу ерда яшовчи талабаларнинг ойлик маошини қанча эканини билиб оламиз.

Жомеъ Масжиди

Хиванинг Жомеъ (Жума) масжиди ўрта асрларда шаҳарнинг кўзга кўринган биноларидан бири бўлиб, ўзига хос қурилиши ва ҳажми билан ажралиб турган. Бу ёдгорлик Хоразмнинг қадимги масжидларни эслатади. Анча катта 55х46 метрли майдонни эгаллаб, кўп устунли қилиб қурилган. Бу бино «Ичан-Қалъа»нинг шарқий ва ғарбий дарвозаларини улаган катта кўча ёқасида жойлашган. X асрда Хоразмга келган араб сайёҳи ал-Макдисий Хиванинг Жума масжидини биринчи марта тилга олади. Бироқ кўпдан бери яшаб келаётган хиваликларнинг айтишларига қараганда, кўхна масжид

бузилиб кетган ва унинг ўрнига 1788 йили худди ўша режа асосида анча кенгайтириб ҳозирги масжид бино қилинган. Масжид биносининг ташқи кўриниши жуда содда, баландлиги 4,5 метр, минорасининг баландлиги эса 42 метрга тенг. Масжидни дарвозаси шимолга қаратиб қурилган бўлиб, шимолдан эсган шамол масжид ўртасида очилган иккита каттагина туйникдан чиқиб кетган. Туйник пастида қадимда балҳи тутлар ўсган, бу шу даврда масжид ичидаги ҳавони тозалабтуришга каттагина ёрдам берган, бу ерда ота-боболаримиз табиат билан инсон ўртасидаги биосинтезни уйғунлаштирганлар, ҳамда қадимда кўпчилик биноларнинг ичига тут дарахти экилган, маълумки, тут дарахти сувни кам талаб қилади, яъни ўқ илдизлари орқали сувни ўзи топиб олади. Бу билан аجدодларимиз меъморий иншоотни буст-бутунлигича сақлашга катта эътибор беришган, яъни тут дарахти бино ичидаги ва теварагидаги намликни олиб мувозанатни сақлаган. Ҳозирги вақтда ҳам қадимги бинолар ўртасида жойлашган экин экиладиган ерга тут дарахтлари экилса қадимги обидаларимизнинг умрини узайтирган бўлардиқ. Жума масжид бир қаватли текис томли иморат бўлиб, унинг тўсинли шипини 3,15 x 3,15 метр тартибда жойлашган 213 устун кўтариб туради. Масжиднинг меҳроби хонанинг жанубий деворида жойлашган. Меҳроб, одатдагидек алоҳида кўриниб туриши учун унинг ёнларига баланд токчалар ишланган бўлиб, шифти эса баландроқ қилиб қурилган. Меҳроб куббасидаги содда ганчкорлик безаклар ва шу безак яқинидаги деворга ишланган ранг-баранг очилган гулсафсар ва наъматакни тасвир этувчи нақшлар XVIII аср охири ва XX асрларда ишланган. Меҳробнинг икки ёнидаги деворларига ўрнатилган мармар тошларга ўймакор хатлар битилган, хатларнинг бири ҳижрий сана 1203 (1788-89йй) масжид мулки ва маблаг ҳадя этилиши муносабати билан тузилган вақфнома битилган. Унда айтилишича, вазир Абдурахмон амри билан 1203 ҳижрий йилда Куюктом (Ўўктом,- ҳозирги Қўшқўпир туманидаги қишлоқ) ва Бекобод қишлоқларида масжидга вақф ерлари ажратилганлиги ва даромадни хайр-эҳсонга ҳамда масжид заруриятига сарф қилиш ҳақидаги

хабарлар бор. Иккинчи мармар тахта бир оз кичик бўлиб, унга 1080 йил хижрий (яъни 1666 йили) ни кўрсатувчи тарих ёзилган.

Аҳоли орасида масжид XVIII асрнинг охирларида таъмир қилинган деган фикр мавжуд. Жанубий фасаддаги ўймакор эшикка битилган хатда ҳам шу ҳақда айтилган. Унда 1788-89 йилларда Абдурахмон Меҳтар исмли шахс бошчилигида масжид таъмирланди дейилган. Масжидда қадимги нақшинкор устунлардан 15 таси сақланиб қолган, 8 та устун Тошкентда Ўзбекистон Халқлари тарихи музейида. сақланмоқда. Қадимшунос олим Яҳё Гуломовнинг фикрича,-“бу устунларнинг баъзилари бутун Ўзбекистонда ёғочга ўйма нақш солиш санъатининг энг қадимги ёдгорлигидир”. Энг қадимги устунларда кўзаги (устун таги) шапалок барглarga эга, танасининг юқори қисми мунтазам раҳли, ўртасига эса гир айлантириб хатти куфий ёзуви ёзилган Шакллар чуқур ўйиб ишланган. XIV аср устунларида эса нақшлар кўп бўлиб, езувлар хатти насҳда берилган. Бу услубдаги ўймакорликни меҳроб яқинидаги ёғоч тахталарда ва эшик табақаларида кўрамиз. Яна масжидда қадимгиларга тақлид қилиб ишланган бир неча устунлар ҳам бор. Уларнинг бирида 1510 йилни кўрсатувчи сана сақланиб қолган. Бошқасида ҳеч қандай ёзув йўқ. Балки улар меҳроб яқинидаги мармар тахталар билан бир вақтда ўрнатилган бўлиши мумкин.

Жума масжидини 108 та устунни 1983 йили аҳолидан сотиб олинган. ХУШ-XX аср бошларига оид нақшинкор устунлар билан алмаштирилган. Масжидда Кўҳна Урганч, Измихшир ва Хива ёғоч ўймакорлик мактабининг устунлари бор. Ривоят қилишларига кўра, масжид ичида гўёки ёвойи ёғзапоядан ишланган устун бор эмиш, ҳақиқатда масжид ичида ҳеч қандай ёғзапоя дарахтидан бўлган устун йўқ, бу нарса амалда мумкин эмас, чунки ёғзапоя дарахтини танаси кавак бўлиб оғир юк кўтаришга ярамайди. 1996-1997 йилларда Жума масжиди таъмирланди ва кўпчилик устунлар яна алмаштирилди. Масжид ўртасида кичик гумбаз остида калций-корбанат (оҳактош) дан ишланган қозон жойлашган, қозонга солинган сув маълум

вақтдан кейин илиқ ҳолга келади, бу мўжизани сирини шу даврда маълум бир одамлар билган.

Анушахон ҳаммоми

Ҳаммом Абулғозихон (1603-1663) ҳукмронлиги даврида 1657 йилда қурилган, хон Карманага қилинган омадли юришидан кейин Хивага қайтиб келгач юртга катта тўй берди ва ҳалойиқ олдида ўз ўғлининг хизматларини кадрлаб, унга туғ, лашкар, байроқ ва ноғора ҳамда Ҳазораспни тухфа этди. Анушахон шарафига ҳаммом қурилиши ҳам Абулғозихон ўз ўғлига қилган марҳаматларидан биттаси бўлиб, умрининг охирида ҳали ўлмай туриб (60 ёшида) тахтни ўғли Анушага топширди, бу ишни Абулғозихондан бошқа Хоразмда ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар қилишмаган. Шундан кейин хон узлатга чекиниб бир талай илмий асарлар битган. Ҳаммом анча мураккаб тарҳ асосида қурилган, ҳаммомга Оқмасжид яқинидаги гумбазли кичик хонадан кирилади. Иссиқни яхши сақлаш учун ҳаммомнинг хоналари ер остида ишланган бўлиб, ташқаридан фақат гумбазлар кўриниб туради. Ҳаммомда даҳлиз, кийимхона, совунхона, исирикхона, иссиқ сув турадиган ҳовузча, гўлоҳ бор. Хоналарнинг ўзаро боғланиши қадимги ҳаммомлар тартибини такрорлаган. Ҳаммомнинг гўлоҳи олдида сув олинадиган қудуқ сақланиб қолган. Сув тарновлардан катта ёмга йиғилади, ўтхонанинг дудлари махсус йўллар орқали ҳаммом хоналари остидан ўтиб иситади ва дудбўрон орқали ташқарига чиқиб кетади. Иссиқ сувли ҳовуз атрофидаги тўртта хона девордаги туйниклар орқали сув билан таъмирланади. Чуқур хоналар саҳни шундай йўналишда жойлашганки, мағзавалар энг чуқурликдаги хона орқали махсус ўраларга оқиб тушади. Бино ичкараси ғиштдан гумбазлар тепасидаги туйник дарчалар орқали ёритилган хоналарда безак йўқ, девор ва гумбаз сатҳи сувга чидамли қоришма (кўл бўйидаги шўрхон тупроқдан махсус усуллар ёрдамида тайёрланади, у оқ ва қора ҳажжа номлари билан машҳур бўлиб, Хоразмдаги барча қадимги биноларнинг қурилишида ишлатилган, ҳозирги кунларимизгача қадимги сувоқлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас)

билан сувалган. Хоналар кичик бўлгани учун усталар оддий тузилишдаги гумбазларни қўллашган.

Ҳаммом инсон учун жуда зарур маскан бўлиб, бундан уч минг йил муқаддам қадимги Римда ҳаммомни нафақат инсон жисмоний танасини тозаловчи маскан балки, турли касалликлардан фориғ қиладиган ва касалликларни олдини оладиган жой деб ҳам тушунилган. Ҳаммом инсон соғлиги учун жуда яхши фойда беришини Эронда, Чинда, Ҳиндистонда, Турон заминидан яхши билганлар ва аҳоли учун шаҳарларда ҳаммомлар қурилган, улар аҳолига мунтазам хизмат кўрсатиб турган. XVII аср бошларида Бухорои шарифда ўн саккизта ҳаммом борлиги ҳақида тарихий манбалар бор. Бу даврда қадимий Хивада иккита ҳаммом бўлган.

Биринчи эски ҳаммом Полвон дарвоза яқинида жойлашган ва жуда содда бўлиб, ер тагида қурилган фақат ювиниш хонасининг гумбази ер устига чиқиб турган. Бу ҳаммом шаҳар аҳолисига кўп йиллар хизмат қилган. Иккинчи ҳаммом Анушахон ҳаммомидир.

Ҳаммом ташқи кўринишидан ноёб меъморий обида бўлиб, қурилиши жиҳатидан Шарқдаги бошқа ҳаммомлардан тубдан фарқ қилади. Бинонинг бир қисми ер тагида, ювиниш хоналари ҳам ана шундай усулда жойлашган. Ташқаридан эса бинонинг гумбазсимон устки қисми кўриниб турибди. Йигирмага яқин хонаси бор, ҳаммомда бешта киши хизмат қилган. Иккита ҳаммомчи, гўлоҳ, иккита сув ташувчи мешкобчилар ишлаган. Ичкарида сартарошхона ҳам миждозларга хизмат қилган.

Ҳаммомда ювиниш учун тартиб қатъий ўрнатилган пайшанба куни мартабали зотлар-хон ва унинг яқинлари, жума куни уламолар, дин арбоблари, бошқа кунлари эса шаҳар аҳолиси ва қишлоқлардан[^] келган кишилар ювинганлар. Ҳаммом хонлик тасарруфида бўлиб, унга вақф ерлари ҳам ажратилган. Ҳаммомга аёллар, болалар, ғайридинлар ва тери касалликлари билан оғриган кишилар кириши ман қилинган.

Ҳаммомни қиздириш учун шаҳар ичкарасидаги турли чиқиндилар от, эшак тезакларидан, ҳовлилардан чиққан ортиқча чиқиндиларини ёқиб

ишлатганлар. Бу эса шаҳар ичини, ҳавосини тоза сақлашга хизмат қилган. Хоналар пол тагидаги махсус қувурлар ёрдамида қиздирилган, иситиш хонаси бўлиб олдидаги қудукдан эҳтиёт учун сув олиб ишлатилган. Марказий катта хона теvarак-атрофдаги хоналарнинг барчаси бирор бир вазифани бажарган. Бирларида ювиниш, иссиқ буғдан тобланиш мумкин бўлса, бошқаларида тиббий уқалаш сеанслари ўтказилган. Шарқда иссиқ буғдан бод, оёқ-бўғим хасталикларини даволашда фойдаланганлар. Уқалашнинг бир қатор усуллари бўлиб асаб, қон- томир, организмнинг турли қисмларидаги оғриқларга наф беришини табибларимиз яхши билишган. Бунга ором бериш эмас, табиблар даволаш воситаси деб қараганлар. Бу иш мунтазам тарзда бажариб келинган. Бундан ташқари ҳаммомда алоҳида хона бўлиб, у ерда тиш оғриғига даво қилиниб, тиш олинган, Хивада тиш даволаш ҳам ўтмиш асрлардан ривожланиб келган.

Қишлоқ жойларида тиш олишни темирчи усталар, сартарошлар бажарган. Анушахон ҳаммомида тиш даволаб, олишдан ташқари, хафақон хасталигига дучор беморлардан қон ҳам олинган. Хафақон («қон босими») дардига мубтало кишилардан ортиқча қон олиш орқали қон босими- нормаллаштирилган. Бу усул Шарқда қадимдан анъана бўлиб келган.

Анушахон ҳаммомида мижозлар танасини ювиш билан бирга ўз соғлиқларини ҳам тиклашган. Ҳаммомда мижозлар учун чойхона бўлиб ўзаро суҳбатлашиб, ҳордиқ чиқаришларига барча шароитлар яратилган. Худди шу чойхона вазифасини бажарган махсус хонада оддий чойдан ташқари, шифобахш ўсимликларнинг илдизи, барги, меваси ва гулидан дамланган чой ва бошқа доривор суюқликлар тайёрланган. Ҳаммомни айнан ўзида гиёҳлардан тайёрланган турли хасталикларга шифо дамламалар савдоси йўлгақуйилган. Анушахон ҳаммоми ўз даврида шаҳар аҳолисига беминнат хизмат қилган, уни ўз даврини ихтисослашган шифохонаси десак муболаға бўлмайди. Ҳаммом қайта таъмирланиб бугунги кунгача шаҳар аҳолисига узликсиз хизмат кўрсатиб келмоқда.

II.2. XIX-XXаср бошларида маданий ҳаёт тарихшунослиги

Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва минораси

Хива шаҳрида 64 та мадраса мавжуд бўлиб, шулар ичида энг йириги ва чиройлиси Хива хони Муҳаммад Аминхон томонидан қурилган мадраса ҳисобланади. Мадраса Ичан қалъанинг ғарбий қисмида жоилашган бўлиб, шаҳарнинг бош дарвозаси Ота дарвозадан кириб келганда, ўнг томонда жойлашган. Бу меъморчилик обидаси ўз даврига хос услубда энг катта ва ҳашаматли қилиб қурилган, Мадраса пишик ғишдан қурилиб, унинг деворларининг қалинлиги 1,5 метрга етади. Мадраса 2 қаватли, 130 хужрадан иборат бўлиб тарихий маълумотларга асосан унда бир вақтнинг ўзида 260 нафар талабатаҳсил олган²².

Мадраса ва минора қурилиши тарихини тарихчи олимлар қуйидагича ёритадилар. “Мадаминхон хонлигининг тўртинчи йилида Арkning қибла томонида бир мадраса ва минора қурилишини бошлатди. Унинг қурилишини Бекниёз девонга буюрди. Бекниёз девонбеги қурилишни бошлаб, унинг устида

Муҳаммад Карим девонни қўйди. Муҳаммад Карим Хоразмнинг машҳур усталарини топиб, ишга машғул бўлди. Хоннинг амри билан Ангариқда қум этагида бир ҳовли ва боғ қурилиши ҳам бошлаб юборилди ва унга Абдулла Қушбеги томонидан Исмоил девон ибн Одина девон бош қилиб қўйилди.

²²Бобожонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. -Хива, 2008. - Б. 45.

1851 йилда Муҳаммад Аминхон мадрасасини қуриш учун танлов эълон қилинди ва устабоши Абдулла “жин” чизган лойиҳа хонга манзур бўлди. Мадраса уч йилдан кейин битди. Хон хушҳол бўлиб Бекниёз девонбегига катта тўй ва шоҳона зиёфат анжомини тайёрлатди. Тўйга келган хоннинг оғани ва яқинларига зарбоф тўнлар кийгизилди, бедов отлар ҳадя қилинди. Тўйда иштирок қилган ҳамма инъом олмасдан қолмадилар. Мадрасанинг биносига замон шоирлари тарихлар айтиб, хондан инъомлар олдилар. Мадраса пештоғида бир минора қурилиши бошланган эдики, ҳали битмаган минорани шоирлар “Фалак айвонига қўйилган устундек” деб тарифладилар.

Мадрасанинг нештоқиға чиройли кошин тахталар ўрнатилди ва уларга настаълиқ хатида қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилди.

Мадраса меъморий жиҳатдан бошқа шу каби биноларга ўхшаш, бино симметрик тарзда, икки қаватли қилиб қурилган, тарҳи тўғри бурчакли, ҳовлили. Пештоқнинг икки ёнига анъанавий гулдаста-миноралар ишланган. Бош тарзини беш гумбазли миёнсарой, масжид, дарсхона ва қўшимча хоналар эгаллаган. Ҳовлининг икки ёнида кичик пештоқлар бор. Биринчи қаватдаги хужралар ётоқхона ва ёрдамчи хоналар сифатида хизмат қилади, иккинчи қаватдаги равоқли пешайвон бинога фаиз бағишпаган. Ичкари ҳовлида тўртта кичик пештоқлар ҳам мавжуд бўлиб уларда “сулс” хатлари битилган кошинлар, безаклар ҳам мавжуд. Деразаларда ганчдан ишланган панжаралар қурилган. Пастада девор ва цокол орасига нам ўтказмайдиган қатлам (гидроизоляция)-тош белбоғ (пояс)ни баландлиги 68 см қилиб қўйилган. Мадрасани ўлчамлари қуйидагича:

Умумий ўлчами-71,7 x 60,0 метр

Ичкари ҳовли-38,0 x 38,0 метр

Масжид ўлчами-9,4 x 8,4 метр

Дарсхона ўлчами-5,6 x 5,5 метр

Ёзги масжид-5,6 x 5,6 метр

Пештоқ ўлчами-25 метр баландликда қурилган.

Мадаминхон мадрасасидеб ёзади, 1863 йилда Хивага келган сайёҳ А.Вамбери,-Карвонсарой типиди курилган бўлиб, ёнидаги минораси хоннинг халокати туфайли битмай қолган. Мадрасанинг 130 та хужраси 260 талаба учун мўлжалланган, мадраса учун маълум миқдорда вақф ери ажратилган.

Муҳаммад Аминхон минораси

Маълумки миноралар, Ислом дини юртимизга тарқалиши билан боғлиқ равишда курилгандир. Ҳар бир масжид ёки мадраса ёнида албатта минора курилиб, ундан мусулмонларни ибодатга чорлаш учун фойдаланилган. Кейинчалик эса шаҳарларни беағи ва ҳукмдорларни куч-қудратини намойиши сифатида ҳам курилган.

Шунинг учун Шарқ шаҳарларидаги кўҳна обидаларни минораларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Агар Хиванинг жаҳонга машҳур ўнлаб меъморий обидалар тизмасидан минораларини олиб ташласак, шаҳар қиёфаси ғариб ва кўримсиз бўлиб қоларди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, асримиз бошларида Хивадаги ҳар бир масжид ва мадраса яқинида минора бўлган. Хивада курилган машҳур миноралардан бири ниҳоясига етказилмаган Муҳаммад Аминхон минорасидир²³.

Минора ҳозирги пайтда кесик конус шаклида бўлиб ҳозирни ўзида ҳам ҳайбатли кўринишга эга. Динамик қисқаришига қараб хулоса қилинадиган бўлса, битганидан сўнг унинг баландлиги 100 метрга яқин бўлиб Ўрта Осиёда энг катта ва баланд минора бўлиши мумкин эди. Минорага тушган инсоляция (қуёш нурларини тушуши ва сининиш)га қарайдиган бўлсак минорадаги кошинларнинг ранги ўзгармайди. Чунки қуёш нури ҳар қандай жисмни рангини ўзгартиради, яъни оқартиради ёки очиқ тусга киргизади. Бу ҳолат минорада сезилмайди. Мана қанча вақт ўтган бўлса ҳам, худди янги курилгандай сақланиб турибди. Меъморчиликда кўк, яшил, нилий ранглар “совуқ тонлар” дейилади. Бу ерда кўпроқ оқ ранглардан фойдаланилса ҳам,

²³Бобожонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. -Хива, 2008. - Б. 57.

худди “иссиқ” гаммалардагидек ясалган ва ишлатилган. Кошинларда қизғиш ранглардан ҳам фойдаланилган, бу деярли сезилмайди. Бунда яхлитлик, уйғунлик сақланган. Минорада, асосан, геометрик нақшлар (гирех) кўп қўлланилган минорага иккинчи қаватдан кўтарилиш мумкин, яъни минорага ёғоч зинапоя орқали чиқилади. Бу ёғоч зинапоя таъмирланиб турилган. Минора 1853 йилда Муҳаммад Аминхон томонидан курила бошланган ва 1855 йил Шимолий Эронга юриш пайтида хоннинг ўлдирилиши ва Абдуллахоннинг тахтга ўтириши билан курилиш ишлари тўхтаб қолган. Миноранинг устки қисмидаги кошиндаги ёзувлар Хиванинг 2500 йиллик тўйи арафасида 1997 йилда “Хаёт” хиссдорлик жамияти курувчилари томонидан қайта таъмирдан чиқарилди. Огаҳий томонидан форсий тилда битилган ёзув аслига келтирилди. Ҳарфларни таъмирчи уста Рустам Тоҳиров қайта тиклаган, унинг матни қуйидагича: “Инсон кўнглини хурсанд қиладиган минораи олий бунёд этилди. Унинг монандини ҳали фалак кўзи кўрмаган эди. Шони оламнинг амирлари билан бўлди. У томони айб ва нуқсонлардан нок. Агар одил кўз билан қаралса, савр дарахти худди хашакка ўхшаб қолади. Тубо дарахтидан ҳамдил очадиганроқ бўлди. Унинг чиройли кўриниши ер юзини ва осмонни худди жаннатга ўхшатиб юборди. Осмоннинг гардунига бир устун эдики, унинг васфига ақл-идрок камлик қилади. Шу сабабдин, Огаҳий унинг курилиш йилини ёзди. Интихоси йўқ фалакустуни 1271-ҳижрий, 1855 мелодий йилда курилди”.

Минора курилиши тўғрисида Мулла Олим Махдум Ҳожи “Туркистон тарихи” асарида шундай ёзади: Мадраса куриб битказилгач, хон фармони билан мадраса яқинида энг баланд минора куришга фармон берилган. Минора курилиши давом қиляётган даврда (1855 йил), Муҳаммад Аминхон Эрон устига юриш қилади ва шаҳид бўлади, натижада у бошлаган минора битмай қолади.

Аслида воқеа бундай бўлган эди: Муҳаммад Аминхон 1271 санаи ҳижрийда Жумадул охир ойида душанба куни Сарахсга тобеъ Қонлитепа мавзесида қатл қилинди. Қарийиб ўттиз беш ёшида туркманлар бошини

кесиб олиб, кулоҳ ва тожи ва бошқа асбоблари билан ўн бешинчи куни Техронга, шоҳ хузурига олиб бордилар. Лекин Насриддиншоҳга туркманларнинг бу иши хуш келмади. Зероки, хукмдори Хива ва хонзодаи Хоразм ота-боболаридин буён хизматкорни шоҳона эрония ва парвардан одоби исломия ва мунтасиба мавлаи Ҳанифаи Аҳмадия, мутакаллида манфаи Муҳаммадиядур, деб чандонписанд ва морзойи хотира бўлмай шоҳ амри билан Техронда дарвозаи давлат мақбарасида баланд гумбази олий бино қилдириб, хоннинг боши билан бошқа акотиру аъёнларни дафн қилдириб, арвоҳларга тиловати қуръон ва аътом фукаро ва мискинон қилдирди.

Қонлитепа ҳодисаси шул тариқадурким, Муҳаммад Аминхоннинг ҳар йили ғорат ва чоповул қилмоғидин Сарахс ва Марв туркманлари Сарахс ва эронийлар хонга хужум қилиб, Қонлитепага чиқдилар. Ибтидо Қурбонқулли ном эроний қилич ялонғочлар, хонний бошидин чопди. Хон мани рофиз шароратидин халос қилинлар, деб атбоъларидин ионат тиласа ҳам, олар ўз боши илан овора бўлиб хонга илтифот қилмадилар. Хон хасмларига ман хон ҳазрат ва парвардан иззат, мани ўлдурмай шоҳий Эрон хузурига еткурунгиз деб ялунса ҳам, ҳеч ким сўзига кулоҳ солмай хоннинг бошини кесмокда ораларида низо бўлиб, ўн икки одам мақтул бўлди. Охири Сихат Ниёзхонбин Ўрозхон Сарахсий хоннинг бошини кесиб, асбобу ашёларини ғорат қилдилар. Вузаро ва умароларидан 14 амакиваччаларидин ҳаммаси бўлиб 32 киши мақтул бўлди. Хоразм қозиси Бекчан Девонбеги, Худоёрий, Абдулла маҳрам, Давлатёрбий, Бекчан сардор, Ниёзқули мингбонти, Оллоқули юзбоши, Хақназар мингбоши, Давлатниёз юз боши 1000 отлиқ аскар ила ионатга келган эди. Бекмурод ва ва Муҳаммад Шайх арийобийлар 2000 отлиқ аскар билан доимо Хуросони чаповул қилар эди. Улардан 70 киши мақтул бўлди. Жаъфар Оқай хукмдор ва Мираҳмад Жамшидий вазир эди, заҳимдор ва ва мажрух бўлдилар²⁴.

Бу минора ҳақида халқ ичида айрим ривоятлар ҳам мавжуд: Эмишки, Хива хони шаҳарда жуда улкан ва баланд минора қуришни буюради. Унинг

²⁴Бобожонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. -Хива, 2008. - Б. 73.

тепасидан “Бухоройи азим кўриниб турсин” деб кўрсатма берган. Бундан хабар топган Бухоро амири минорани бунёд этаётган меъмор билан яширин режа тузадики, унга кўра минора битиши билан меъмор Бухорода бундан ҳам юксак минора куриши керак эди. Амир бунинг эвазига ҳаддан зиёд тилло ваъда қилади. Хон буни сезиб қолиб минора битиши биланоқ устани ўлдиришга аҳд қилади. Шу ниятдан огоҳ топган уста минорани чала қолдириб ғойиб бўлган. Шу боис халқ бу ҳақда “Мадаминхон мадрасаси битди, минораси битмади, Мадаминхон муродига етмади” деб байт тўқишган. Минора шу ҳолатда ҳам ҳайбатли ва чиройлидир. Унга турли рангдаги кошин қопламалардан жило бериб ишланган. Асримиз бошларида уни халқимиз “Калта минор”, “Кўк минор” деб улуғлаган. Муҳаммад Аминхонни замондошлари шундай таърифлашган. Эрон шоҳи тарафидин келган элчи

Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) мадрасаси

Кўҳна арк дарвозаси қаршисндаги мадраса Сайид Муҳаммад Раҳимимхон II нинг фармониға биноан 1871 йилда бошланиб, 1876 охирида ишға туширилган. Мадраса ўзининг кенглиги, зикорлиги билан бошқа мадрасалардан ажралиб туради.

Мадрасанинг асосий фасади олдида кейинроқ қурилган бир қаваттли хужралар кичик ҳовлини ташкил этган. Мадраса катталиги жиҳатидан Хивада олдинги ўринлардан бириини эгаллайди. Мадрасада ёзги ва қишки масжид, дарсхона, эбхона ва хужралар бор. Умумий архитектура тузилиши ўзгларидан бошқачароқ. Катта ҳажмлар кўринишида қандайдир штабийлик бор. Мадрасанинг ҳовлиси 76 та бир қаватли хужра билан ўралган. Хужралар томи ташқи томондан тўсиқ девор (парапет) билан чегараланган ва икки қаватли бош фасадға келиб туташади. Хушқад пештоқнинг икки ёнида беш равоқли галерея бор. Дарвозахона атрофидаги хоналар тўққизта гумбазға эға. Бинонинг ички плани бошқа мадрасалар тузилишидан фарқ ади. Деворлар юзасидаги сиркор ғиштчалардан терилган орнаментли безаклар

одатдаги шаклларни такрорлайди. Кишида унинг тузилиши ўзгача таассурот қолдиради. Ҳовлининг бирқаватли хужралари қатори баланд декоратив пештоқлар ташқи тўсиқ девор ва бурчаклардаги чиройли минорача-гулдасталар билан биргаликда ажойиб манзара касб этади.

Мадрасанинг вақфи (мадраса фаолиятини таъминлайдиган даромад манбаи) учун хон 2941 таноб (2,5 таноб - 1 гектар) ер ажратган. Чиройли кошинлар билан безатилган мадрасанинг очилиш тантанасида замонанинг фузало ва шуаролари таърихлар ва касидалар айтиб хондан инъомлар олганлар. Хон ўз аёнлари, қариндошлари, қурилишда ишлаган уста ва хунармандларга ҳадя қилган харажатлардан ташқари бу тўйда 118 тилло сочилган.

Мадрасанинг пештоқига араб тилида шундай ёзувлар битилган: Ушбу муборак бинони замон султони ва дунё ҳоқоии, Оллоҳнинг халифаси ва сояси, ғалабалар ва шуҳратлар эгаси, енгилмас қудрат соҳиби, мамлакатларни фатҳ қилувчи Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон бунёд қилдирган. сана 1289. (1872 й)

Эшик тепасига ўймакор уста Паҳлавон Ниёз Хоразмий томонидан мармар тахтачага шоир Комилнинг форс тилидаги шеърий тарихи ёзилган:

Фалак каби шавкатга эга бўлган шоҳ,

Салтанатда сўзи ўткир ва қудратлидир.

Унинг қадами салтанат тахтига етгач,

Муборак қадамидан Хоразм жаннатга айланди.

Савоб макони бўлган ушбу бинони ўз саховати билан, Юксак мартабали олимлар учун бунёд қилди²⁵.

Мадраса ички ҳовлисининг тўртта пештоғига Огаҳий билан Комил Хоразмийнинг иккитадан шеърий тарихлари ёзилган. Уларда хоннинг шарофатидан мамлакат обод бўлиб, адолати жаҳонга ёйилгани, олимлар даража топиб, мақсадларига етишгани, хоннинг ўзи олиму фозилларга

²⁵Бобожонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. - Хива, 2008.- Б. 89.

гамхўрлик қилиб илм-фан мададкорини номига сазовор бўлгани тараннум этилади.

Мадрасанинг ўлчамлари: 62х50м, ички ҳовлиси 28х29 м, мадраса олдидаги ҳовли 20х42м.76 хужра 152 талабага мўлжалланган.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида, яъни 1994 йилда мадраса қайта таъмирланиб, шу йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган Муҳаммад Раҳимхон II “Феруз”нинг 150 йиллик тўйига тўёна қилиб мадрасанинг ҳовлисига чиқувчи даҳлизлари, ўқувхонаси ва қишки масжидида Хива хонлиги тарихи ва маданиятини очиб берувчи “Хоразм адабиёти ва тарихи музейи” очилди. Биз музейга кирар эканмиз кўз олдимизда XVI аср бошларида ташкил топган Хива хонлиги ва унга қўшни бўлган Эрон ва Бухоро хонлиги ҳудудида яшовчи халқларнинг тарихи, маданияти ва санъати гавдаланади. Биз яна XVI аср охири ва XVII аср бошларида Хоразмда марказлашган давлатнинг ташкил топиши, ҳамда унинг ички ва ташқи сиёсати Марказий Осиё халқларига таъсирини кўришимиз мумкин.

Бўлимда XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россияси ўзининг саноат хом ашёсига бўлган талабларини қондириш мақсадида “Шарққа юриш” қилиб Марказий Осиё давлатларини, жумладан 1873 йилда Хива хонлигини эгаллаб олиши ва ўлкамиздан нодир осори атиқаларни, давлатнинг ва халқнинг бойликларини олиб кетилиши, буларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб Муҳаммад Раҳимхон II ташаббуси билан ташкил қилинган ва оммалаштирилган “Марказий Осиёдаги илк тошбосма”, Ўзбек фото ва кино санъати қалдирғочи Худойберган Девонов мероси, Марказий Осиёда илк бор нотага асос солган ҳассос шоир ва мусиқачи Комил Хоразмийнинг “Танбур чизиги” асарини кўрсатиб берувчи буюмлар ва Паҳлавон Маҳмуд, Абулгози Баҳодирхои, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Мунис ва Огаҳий сингари буюк мутафаккир, шоирлар ва халқ эъзозлаган кишилар ҳаёти билан танишишимиз мумкин. Қисқаси музейда Хива хонлигининг давлат рамзлари-байроқ, тангалар ва охирги ҳукмдор хонларнинг асл нусха фото-суратлари, хориждан келтирилган савдо

буюмлари, хитой ва рус чинниси, маҳаллий хунарманд усталарнинг маҳсулотлари, курол-аслаҳа, кийим-кечак, рўзгор анжомлари каби кўплаб экспонатлар намоишга қўйилган.

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси асосан XIV-асрда кичик гўрхона шаклида қурилган бўлиб унда ўз даврининг катта “Пири” - Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) жасади қўмилган. Паҳлавон Маҳмуд 1247 йилда Хива шаҳрида пўстиндўз (косиб-хунарманд) оиласида тугилган. Ёшлик йилларда ота касби пўстиндўзлик билан шуғулланган, сўнгра хат-савод чиқариб, буюк шоир файласуф даражасига эришган. У жуда ҳам забардаст паҳлавон бўлиб, 79 йиллик ҳаётида бирон марта кураги ерга тегмаган. Паҳлавон Маҳмуд ҳақида кўйлаб ривоятлар сақланиб қолган. Шулардан бири: Бир замонлар Хивани ўрнида сувсиз дашт бўлган. Кўҳна Урганч вайрон қилинганидан сўнг мўғуллар истилосидан кейин, унинг аҳолиси ҳар томонга тарқалиб кетган. Шу жумладан Паҳлавон Маҳмуднинг онаси ҳам ҳомиладорҳолида Хива атрофига етиб келиб, ҳозирги Қиёт қишлоғида ўғил туққан. Бу бола 15 ёшга етган мард курашчи, машҳур паҳлавон бўлиб ном чиқарган. У узоқ мамлакатдаги бир подшони зўр паҳлавонларини енгган. Подшо хивалик паҳлавоннинг кучига қойил қолиб унга “Сенга нима керак бўлса сўрагин” - дебди. Паҳлавон Маҳмуд подшога: “Менга бир хўкизни хомига (хўкиз терисига) сиққан ватандошларимни озод қилиб беринг” - деб жавоб қилибди. Подшо рози бўлибди ва хўкиз терисини келтиришни буюрибди. Паҳлавон Маҳмуд теридан ингичка тасмалар қирқиб олган ва уларни бир-бирига улаб узун камар (қўра) қилиб шунга сиққунча одамларни олиб Хивага жўнаган, у билан келган одамларни шаҳар ташқарисидаги Шийхлар қишлоғига жойлаштирган, ҳозирги вақтгача қишлоқ аҳолисини кўпчилиги бу ривоят ҳақиқат, инқилобгача бўлган даврда қишлоқ аҳолиси Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида хизматда бўлишган деб айтишади. Мазкур афсона Паҳлавон Маҳмуднинг нақадар донишманд, буюк халқпарвар инсон бўлганини намоиш этади. Уни замонасини илғор ва ҳур фикрли файласуф олими, катта

истеъдод ва заковат эгаси, шоирлик мушоҳадаси жиҳатидан “Хоразм Хайёми” деб ҳам аташган. Бу бежиз эмас албатта. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, Паҳлавон Маҳмуд шеърда ҳам, фалсафада ҳам Умар Хайёмнинг заковатли давомчисигина бўлиб қолмай балки форсий, туркий халқлар адабиётида ҳам Хайёмдан сўнг рубоий ёзишда унга тенг келадиган шоир бўлган эмас. Ҳатто Абдурахмон Жомий, Навоий, Фузулий, Бобур каби буюк шоирлар ҳам ўз кучларини рубоийда синаб кўрсада, бу жанр улар ижодида 2-ўринда турган. Фалсафий ва бадиий ғоялар асрий руҳида ривожлантирилиб, Хайёмшуносликни юксак даражага кўтарган. Паҳлавон Маҳмуд шарқ адабиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Паҳлавон Маҳмудни шу даврда “Хоразм Хайёми”, “Мазондарон йўлбарси” деб улуғлашган. У “Қитоли”,-жангчи таҳаллуси билан ғазаллар битган, у “Канз ул-хақойиқ”,- Ҳақиқатлар хазинаси 1303-04й” номли асар ёзган, лекин асар ҳали топилмаган. Унинг теран мазмунли нафис ва ўйнақи, зўр санъаткорона рубоийлари “Хайёмнома” руҳда эканлигини қаранг.

Дунё бамисоли бир заррин кўза,
Суви гоҳ ширину, гоҳ аччиқ бўза.
Э ғофил, умрингга бино қўйма кўп,
Қазои муаллиқ турар бош узра.
Дунё бинокори тузар қаср-айвон,
Тузиб бўлади-ю, қилади вайрон.
Фалакка етказиб бутун тоқини,
Эртага этади ер билан яксон.

Бундай сатрларни ўқиган киши шоирнинг дунёқарашининг қудратини унинг инсонпарварлик туйғуларини ҳам сезади. Асли тасарруф тариқатини пантеизм (вахдатул мавжуд) оқимига мансуб Паҳлавон Маҳмуд инсоннинг ақлий ва ижодий имкониятларига юксак баҳо беради. Паҳлавон Маҳмуднинг тарихий таржимаи ҳолини тиклашда кўп хизматлар қилган, унинг ноёб рубоийларини нашрга тайёрлаган Тўхтасин Жалолов шундай ёзади: «Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки шоирнинг туғилиб яшаган даври Хоразм

тарихидаги энг оғир мусибатлар келтирилган Чингизхоннинг қонли юришларидан кейинги 10 йилликларга тўғри келган, шундай даҳшатли балоларни бошидан кечирган ватанда, унга етказилган катта жароҳатлар ҳали битиб улгурмаган бир даврда, дунёга келган буюк забардас шоирнинг қалби денгиз тўлқинларидек қайнаб қуюлганлиги кишини хайратда қолдиради. Шоирнинг васиятига кўра, жасади ўзининг пўстиндўзлик устахонасига дафн қилинган. Уни кўп қиррали амалий ва ижодий фаолияти шунчалик зўр бўлганки шоир вафотидан кейин узоқ вақт ўтмай катта авлиёлар қаторига киритилган, қабри эса зиёратгоҳга айланган. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси вақт ўтиши билан кўпгина ҳукмдорлар томонидан азиз саналиб обод қилинган. Тарихий манбаларда мақбарага Амир Темур томонидан эшик ўрнатилгани ёзилади. Мақбара ичида Абулғозихон, Анушахон ва Арангхонларнинг қабри борлиги улар ҳукмдорлик қилган даврларида ҳам шоир қабри обод бўлганлигидан далолат беради. 1701-1702 йилларда Хива хони Шониёзхон мақбарани янгидан қуради, бу даврдан бизга мақбарага қираверишдаги эшик ёдгор қолган. Ушбу эшикда ёзувдан бир парчани келтирамиз:

“Хаста дилларни дуоларини мустажоб қилғувчи бу нурли бино Шоҳ Ниёзхон томонидан 1702 йилда таъмирланиб қудуқхам қазилган. Унинг ўзи ҳам шу жойга дафн қилинган. Ўймакор уста Нодир Муҳаммад”²⁶.

Ҳозирги мақбара Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) томонидан 1810 йилда Қўнғирот шаҳрига қилинган муваффақиятли юришдан сўнг қурила бошлаган ва унинг ўғли Оллақулихон даврида қуриб битказилган. Мақбара 3 та қисмдан иборат. Қабрхона, Хонақо ва Йўлак. Мақбаранинг ғарбий қисмида жойлашган хонага Паҳлавон Маҳмуд дафн қилинган. Хонақони шимолий девори ёнида Муҳаммад Раҳимхон қабри жойлашган, унинг яқинига эса Хива хонлари Абулғозихон ва Анушахонларнинг қабр тошлари ўрнатилган. Йўлакда эса Оллақулихон дафн этилган. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси атрофи XIX аср охирига келиб, Хива хонлари ва уларнинг

²⁶Бобожонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар.- Хива, 2008. - Б. 98.

яқинлари дафн қилинадиган хилхонага айлантирилган. Бино қурилишини хазораспик уста Одинамуҳаммад Мурод бошқарган, уста катта- кичик жисмларни (сирли кошин) ягона меъморчилик иншоотига моҳирлик билан бирлаштира олган, сиркор безаклар сағанани, ташқи гумбаз ва пешток қисмини беаб турарди, шу вақтда хоналарнинг ичи ганч сувоқ қилинган эди. 1825йилга келиб Оллоқулихон (1825-1842) буйруғи билан қабрхона, яъни зиёратхонага ва хонақога сиркор безак берилди. Худди шу даврда зиёратхона ва қабрхона гумбазлари ташқи томондан зангори яшил сиркор ғиштчалар билан қопланди. Мақбара пештоқининг баъзи кўчиб кетган кошинлари ўрнига ўзига ўхшатиб янги кошинлар ўрнатилди²⁷. Гумбазли долондаги бир хонанинг олд томони беш қиррали шаклга келтирилиб, Оллоқулихон сағанаси шу ерга қўйилган. Хона деворлари безакдор сирли кошинлар билан қопланди ва мис панжара ўрнатилган. Қурилиш ишларида хивалик усталардан Мулла Нурмуҳаммад уста-Қаландар ўғли, Сўфимуҳаммад Ниёз уста-Абдужаббор ўғли ва уста Абдулла “жин”лар ўзларининг нодир санъатларини кўрсатиб бера олишган. Катта хонақонинг (баландлиги 25 метрлик) тепасига усталар ислимий нақшлар билан бирга, безаклар орасидаги китобаларга Паҳлавон Маҳмуднинг 22 та рубоийларини, усталарнинг исмларини, ҳадисларни, тарихларни ўзи ижод қилган форс тилида битганлар. Бундан ташқари қабрхонага кираверишдаги эшик тепасига шоирнинг ушбу рубоийси форс тилида битилган:

Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,

Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ.

Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,

Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.

1910-1913 йилларда мақбаранинг ғарбий қисмида Хива хони Исфандиёрхон (1910-1918) онаси, ўзи ва ўғли учун қабрхона ва тўртта хужрадан иборат икки ошёнли қорихона бунёд қилдирган. Қурилиш ишларига уста Қурбонниёз бошчилик қилиб, қорихона қаршисига ўймақори

²⁷Хоразм. Справочник. -Т.: 1967. -Б. 77.

устунли айвон қурилган. Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси 1960 йилда уста Рўзмат Машарипов “Рўзмат арбоб” иштирокида катта гумбазнинг усти, корихона ва айвон таъмирланиб мақбарага қайта жон бағишланган. Ҳозирги вақтда бинода Ўзбекистон Мусулмонларнинг диний идораси, “Паҳлавон Маҳмуд жамғармаси” фаолият кўрсатмоқда. Иншоотнинг айрим жойлари таъмирталаб бўлганлиги учун 2007 йилда, айвон устунлари, йўлаклар, қудук атрофи ва унинг тепасидаги чиройли ошёнли ёғоч гумбаз, пештоқнинг баъзи тушиб кетган сирли кошнлари қайта таъмирланди²⁸.

Ислом Хўжа мадрасаси ва минораси

Хива хони Исфандиёрхоннинг вазири ва қайнотаси Сайид Ислом хўжа 1908-1910 йилларда Паҳлавон Маҳмуд мақбараси яқинда битта мадраса ва минора қурдиради. Мадрасани уста Худойберганхожи қурган, мадраса ва миноранинг кошн безакларини Эшмуҳаммад Худайбердиев ишлаган нақшлар асосида Хонқанинг Мадир қишлоғидаги усталардан Болта Ваисов ва Мадаминовлар ишлаганлар. Мадраса 42 та хужрадан иборат бўлиб, 50 та талаба ўқиган, унинг олдинги қисми 2 қават қилиб қурилган. Кираверишда ўнг томонда махсус масжид ҳам қурилган. Бош фасади билан минорага боғлиқ бўлган мадраса ташқи тузилиши ва безаклари бошқа мадрасалардан фарқ қилмайди. Пештоқининг ён қанотлари икки қаватли равоқлар қатори ва бурчак гулдасталаридан иборат. Равоқлар тепаси айрим ҳошиялар ва сиркор кошнлар билан чиройли қилиб безатилган. Кичик ҳовли бир қаватли хужралар билан ўралган. Деворларида ҳеч қандай безак йўқ. Пештоқнинг орқа томонида, хужраларнинг устида оддий ёғоч устунли айвон қурилган, Мадрасанинг энг йирик хонаси катта гумбазли масжиддир. Масжид мадрасанинг бутун жануби-ғарбий томонини эгаллаган, масжиднинг ичкикўриниши Хива усталари ижодига хос катта гумбазли хона типига ёпилган. Масжиднинг жанубий томонида жойлашган бурчакдаги гумбаз остида ва меҳробда сиркор ҳамда ганчкори безаклар ишлатиб чиройли манзара яратилган, мадраса учун вақф сифатида Ислом Хўжа ўз еридан 14

²⁸Хива минг гумбаз шаҳри. -Т.: 1997.

минг 451 таноб ер ажратган. Мадрасада ҳозирги вақтда “Хоразм Амалий санъати” музейи фаолият кўрсатмоқда.

Минора ҳам мадраса билан бир вақтда қурилган бўлиб, минорани баландлиги 56,5 метр, пастки қисмининг диаметри 9 метр. Минора қурилишида ишлатилган услубда, қадимги усталарнинг меъморчилик услубидан фойдаланилган²⁹.

Миноранинг юқори қисми жуда ингичкалашиб, тепаси бежирим карниз ва қуббали фонус билан тугалланган. Фонус юзаси турли шаклдаги сопол-ғиштчалар билан ҳошияланган, уларнинг ораси эса ранг-баранг сиркор кошинлар билан тўлдирилган. Фонус ва карниз яшил-зангори, ложувард (мовий) ва оқ рангдаги сиркор ғиштчалар билан қопланган. Шунинг учун ҳам миноранинг юқори қисми алоҳида бўлиб ажралиб туради. Сиркор безакли қошиялар миноранинг конус шаклидаги танасини бир неча жойидан ҳалқасимон доира қилиб айланган. Мана шуларни ҳисобга олган қариялар “Хўжани минорасида тўрт фаслни ва ўн икки ойнинг беаги бор” -деб айтадилар. Миноравинг оддий ва аниқ формасида, безакларида Хива меъморчилигига кириб келаётган янги услуб иншоотларини кўриш мумкин. Ўша даврдаги Хива меъморчилигига хос хусусиятлар қупилган янги типдаги бинолар-почта, телеграф, янги услуб жадиdlар мактаби ва касалхонани тузилишида ўз ифодасини топган. Усталар қадимий конструкция ва безак усуллари билан бир қаторда русча ғишт териш, янгича шаклдаги равоқ ва томларни, ушбу биноларни қуришда қўллашган. Миноранинг қурилиши муносабати билан шоир Ниёзий 48 мисралик шеърй тарих битган, худди шундай 47 мисралик шеърй тарих мадраса қурилиши учун ҳам битилган. Бу тарихлар мрамарга уста Худайберган Девон томонидан ўйиб ёзилган ва мадраса эшиги устига, миноранинг ердан ўн метр баланд жойига ўрнатилган. 1924 йилнинг январида Хивани Жунайидхон қамал қилганда минора

²⁹Бобожонов Д., Абдурсулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. -Хива, 2008. - Б. 111.

тепасидан душманнинг шаҳардан ташқаридаги ҳаракатлари кузатилиб турилган.³⁰

Оллоқулихон саройи - Тош ҳовли

Шарқ давлатлари ҳукмдорлари учун яшаш, ҳукмронлик қилиш, меҳмонларни кутиб олиш, давлат куч-қудратини кўрсатиш мақсадида қадим-қадимдан мухташам саройлар бунёд этиш одат тусига кирган. Саройлар хон ва уларнинг яқинлари яшайдиган давлат хизматлари бажариладиган жой ҳисобланган. Шу боиски, яхлит меъморий ҳолда бизгача етиб келган Хива шаҳрида бир эмас, бир нечта хон саройлари ҳамон мавжуд. Ана шулардан бири- Оллоқулихоннинг машҳур Тош ҳовли саройидир. Тош ҳовли саройи (80 x 80 метр) XIX аср меъморчилик санъатининг ёрқин намунаси бўлиб, ташқи кўриниши ва қурилиши жиҳатидан Кўҳна Арк саройига ўхшаб кетади. Сарой 1830-1838 йилларда Хива хони Оллоқулихон (1794-1842 йилларда яшаган) томонидан қурдирилган. Сарой тарихий маълумотларига қараганда турли услубларда, қайта-қайта қурилган. «Ичан-қалъа»нинг шарқий дарвозаси ёнидаги бинолар билан биргаликда ягона ансамблни ташкил этиб бош жамоат маркази шу ерга жалб қилинган. Сарой улкан ва ҳашаматли бўлиб, узоқ муддатда қурилган. Уни қуриш учун Хоразмнинг энг яхши усталари, наққошлари, кошиниазлари сафарбар қилинган. Тош ҳовли саройи баланд девор буржлари ва дарвозалари билан кўрғонни эслатади. Оллоқулихон бу саройни қуриш учун катта тайёргарлик кўрган саройнинг Тош ҳовли деб аталишига ҳам унинг ҳашаматли ва ниҳоятда чиройлилиги, ҳамда деворлари пишиқ гиштдан терилганлиги сабаб бўлган. Сарой учта катта ҳовли - кўринишхона, меҳмонхона ва ҳарамдан ҳамда бешта кичик ҳовли ва 163 хона (Саройда 1922 йилда музей очилган, саройнинг маълум қисмида 1924 йилгача хон уруғи яшаган.

Нуруллабой саройи

³⁰ Нозилов Д. Уста усталар ҳақида дилкаш қиссалар. -Т.: 1996. -Б. 77.

Хива хонлари XVI асрдан XX асргача бир қанча саройлар, қабулхоналар, ҳарамлар қурдириб, ўзларининг нималарга қодир эканликларни гўё авлодларга таъкидлаб кўрсатаётгандай туюлади.

Хивадаги Нуруллабой саройи энг ҳашаматли, энг жозибали, энг кўркем ва мафтункорлиги билан бошқа саройлардан ажралиб туради. Ичанқалъада иморатлар сони купайиб, янги-янги боғ роғли жойлар қуриш имкони қамайгач, Муҳаммад Раҳимхон I ўз ўғиллари Маҳмуд тўра, Муҳаммад тўраларга шаҳарнинг ғарбий томонидан ҳовли жойлар қуриб беради. Сайид Муҳаммад тўра хон бўлгач, (1856 й) эса бу уйларга яқин жойда бир кўринишхона қурилишини вазири Хасанмурод Қушбегига топширади. Баёний ва Огаҳийларнинг ёзишича “Нуруллабой” номи билан машҳур боғдаги янги иморатларнинг кун чиқар томонида қурилган бу кўринишхона жуда чиройли бўлиб, унга Огаҳий шундай тарих айтган:- “Кўринишхона -у вало” (улуғ кўринишхона) ушбу сўзлардан абжод ҳисоби бўйича ҳижрий 1276 мелодий 1859 йиллар топилди. Ўз даврида кўринишхонада ёз пайтида очик ҳавода қабул маросимлари ўтказилган. Сайид Муҳаммадхондан кейин тахтга кўтарилган ўғли Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) хивалик савдогар бой Нуруллабойдан боғини сотишни сўрайди. Шунда Нуруллабой хонга, у аввалдан халқ ўртасида бўлиб келган «Нуруллабой боғи» номини ўзгартирмаса сотишини айтади. Хон розилик билдиради ва боғни сотиб олади. Шундай қилиб «Нуруллабой» номи сақланиб қолади. Муҳаммад Раҳимхон II Нуруллабой боғи ичида ўғли Исфандиёрхон учун катта бир сарой ва ҳарам (ҳарам-хос жой, номаҳрамлар киритилмайдиган жой, ички ҳовли) қурдиради³¹.

Бу ички сарой 1896-1904 йилларда қурилган бўлиб, баланд девор билан ўраб олинган. Сарой тўртта қисмдан иборат бўлиб, юздан зиёд хоналар, долонхона, қаровулхона, отхона, мулозимлар турадиган хоналар ва ҳарамдан (бешинчи ҳовли) иборат бўлган. Саройга жануб томонда қурилган маҳсус дарвоза орқали қирилган. Дарвоза ичкарасида хон маҳкамаси, шахсий

³¹Бобожонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. -Хива, 2008. -Б. 89.

кўриқчиларучун хоналар, девонхона бунёд қилинган. Саройдаги Исфанднёр
[ўра учун мўлжалланган хоналарга Россиядан келтирилган чинни почкалар
ўрнатилган. Феруз вафотидан сўнг тахтга чиққан Исфандиёрхон (1910-1918)
ўзи учун янги услубдаги Нуруллабой саройини қурдириб, бу боғдаги
қурилишларга нуқта қўяди. Янги қурилган қабулхона чет эллик (россиялик)
меҳмонларни қабул қилиш мақсадида қурилган. Бош вазир Ислон Хўжа
Исфандиёрнинг қабулхона қуришига қарши чиқади. Чунки, почта-телеграф
ва касалхона қурилиши кечикаётган, хазинада пул кам эди. Аммо, хоннинг
катъий фармонидан кейин шогирди Раҳимберган маҳрамни соҳибкор
(қурилиш бошлиғи) қилиб тайинлайди. Қабулхона 1911-13 йилларда
қурилган, медицина фанлари доктори, профессор А.А.Абдуллаевнинг
«Хоразмда тиббиёт» асарида шундай жумла бор:- «Ислон Хўжа яна
Москвага бориб, шаҳарнинг бошлиғи Н.И.Пучков қабулида бўлади. Москва
шаҳрининг бошлиғи уни москвалик архитектор А.М.Ропи билан
таништиради». А.М.Ропи бошчилигидаги архитекторлар Хивада бўлишиб
касалхона, телеграф ва алоқа, элчиларни қабул қилиш учун меҳмонхона
лойиҳасини маслаҳатлашиб кетишади. Тез орада лойиҳа тайёрланиб қурилиш
бошлаб юборилади. 1911- 1913 йилларда қурилган бу қабулхона қурилиш
учун алоҳида пишган гиштлар тайёрланган. Гиштнинг лойи шаҳар ёнидаги
Аваз дунак қишлоғидан келтирилиб, махсус ишлангандан кейин 4 та
хумбузда пиширилган. Гишт пишириш ва териш (кладка)да усталаридан
Бобожон хумбуз, Матёз бола, Хасан пирсиён, Қурёз Бобожон ва бошқалар
ишлашган. Саройнинг томи юпка темир листлар билан соябон (уч бурчак)
шаклида бостирилган. Сарой сўти хонадан иборат бўлиб, эшик, дераза ва
паркет полларини оқ мачитлик немис усталари тузатишган (оқмачит Хивадан
15 км шарққа жойлашган қишлоқнинг номи) Қабулхона хоналари ички
безаклари билан бир биридан фарқ қилади. Девор ва шифтдаги ганч ўйма
ишларини Рўзмат арбоб Машарипов, Нурмат уста, Худойберган Ҳожи, Қурёз
Бобожонов ва бошқалар бажаришган. Ганчдан нақш ўйилган деворларга
Ваисёз Маткаримов бошчилигида мой бўёқлар билан ранг берилган.

Шифтлардаги Европа усулида ясалган гуллар ва фаришталар расмини рус рассомлари яшашган.

Хулоса

Ўрта Осиёда кейинги асрларда учта мустақил - Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келган эди. Бу хонликлар вужудга келгандан сўнг, уларнинг тарихига бағишлаб алоҳида-алоҳида асарлар яратилган эди.

Бу тарихий асарлар мазкур хонликларнинг тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қиладилар. Бу асар Ўрта Осиёда ташкил топган хонликлардан бири бўлган Хива хонлиги тарихи бўйича кейинги уч асрда Хоразмда яратилган қўлёзма тарихий асарларни тадқиқ этишга бағишланган. Хива хони ва тарихнависи Абулғозий томонидан тарихий асарлар ёзиш анъанаси, кейинчалик атоқли тарихнавислар ва ажойиб шоирлар

Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баёний томонидан давом этдирилган эди. Хоразм тарихи бўйича ёзилган ҳамма тарихий асарларни ўзбек тилида ижод этган мазкур тарихнавислар бир-бирларининг ишини давом эттириб, узоқ даврни ўз ичига қамраб олган Ўрта Осиё, айниқса, Хива хонлиги тарихини ўрганишда ажойиб маълумотларга бой қатор қимматли тарихий асарларни ижод этдилар. XVII — XIX асрда ва XX аср бошларида Хоразмда жуда кўп ҳукмдорлар давлат тепасига келиб, кетган эдилар.

XVII — XIX асрда Хоразмда Араб Муҳаммадхондан сўнг унинг ўғиллари Элбарс, Ҳабаш, Асфандиёр, Абулғозий, ундан сўнг Анушахон, Арангхон, Мусохон, Шохниёзхон, Шерғозихон, Элбарс, Тохир, Нурали, Абулғозий II, Ғоибхон, Қорабой, Темурғози, Шохғози, Абулғози III, Жаҳонгир, Абдулазиз, Ортукғози, Абдулла, Ёдгор, Пўлатғози, Абулғози IV, Абулғози V ва бошқалар ҳокимлик қилган эдилар. Энди Хоразмда ҳукумат Муҳаммад Амин инок асос солган қўнғирот уруғининг қўлига ўтади. Қўнғирот уруғидан бўлган Элтузар (1804 — 1806) ўзини хон деб эълон қилади.

Шундан сўнг Хоразмда шу сулоладан Муҳаммад Раҳимхон I (1806 — 1825), Оллоқулихон (1825-1843), Раҳимқулихон (1843—1846), Муҳаммад Аминхон (1846 — 1855), Абдуллахон (5 ой), Қутлукмуродхон (7 ой), Сайид Муҳаммадхон (1856 — 1865), Муҳаммад Раҳимхон II — Феруз (1865 — 1910), Асфандиёрхон (1910 — 1918)лар ҳокимлик қилган эдилар. Хивалик тарихнавислар томонидан XVII — XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлигида бўлган тарихий воқеаларни баён этувчи ва шу даврнинг сиёсий ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда муфассал маълумот берувчи «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима», «Фирдавс ул-иқбол», «Риёз уд-давла», «Зубдат ут-таворих», «Жомиъ ул-воқеоти султоний», «Гулшани давлат», «Шоҳид ул-иқбол», «Шажарайи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» номли қатор қимматли тарихий асарлар яратилган эди.

Шунитаъкидлаб ўтиш зарурки, бу қўлёзма тарихий асарлар ўз даврининг илғор фикрли кишилари томонидан ёзилган бўлса-да, ўша

даврдаги ҳукмдорлар раъйдан ўтолмасдан, уларнинг манфаатларига мос қилиб ёзилган эди. Чунки муаллифлар шу тарзда ёзишга мажбур эдилар. Бу асарларда қўшни халқлар шаънига айтилган «туғёнкор», «исёнкор», «муфсид» каби нолойиқ ибораларни ҳам учратамиз.

Ўз даври ва муҳитининг таъсири туфайли мавжуд камчиликларга карамай, Хоразмда тасниф этилган мазкур тарихий асарлар, Хива хонлигининг XVII — XIX ва XX аср бошларидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда аниқ маълумот берувчи асосий манба бўлиб хизмат қиладилар.

Аввало, бу қўлёзма тарихий асарларда Хива хонлигининг сиёсий тарихи жуда муфассал баён этилган. Муаллифлар хонликнинг сиёсий тарихини ва турли воқеаларини баён этар эканлар, айтиш вақтида тожу-тахт ва бойлик учун хонлар ва феодаллар ўртасида тўхтовсиз давом этган курашларни, бу курашлар туфайли халқнинг оғир аҳволини кўрсатувчи жуда кўп маълумотларни келтириб ўтадилар.

XVII — XIX ва XX аср бошларида яшаган хивалик тарихнависларнинг асарларида Хива хонларининг туркман, қорақалпоқ халқларини Хива хонлигига қўшиб олиш учун асрлар давомида қилган ҳаракатлари, улар устига қилинган юришлар, у халқларнинг ўз озодликлари учун олиб борган курашлари ва шу каби кўп масалалар бўйича ҳам ажойиб маълумотлар келтирилган ва бу аҳвол мисоллар асосида кўрсатилган.

Шундай қилиб, Хива хонлигининг туркман ва қорақалпоқ халқларига нисбатан бўлган муносабати хоразмлик тарихчиларнинг асарларида ўз ифодасини топган бўлиб, туркман ва қорақалпоқ халқларининг тарихини ўрганишда ҳам мазкур асарларнинг аҳамияти каттадир.

Хива хонлигининг сиёсий ҳаётида рўй берган катта воқеалардан бири Хива хонлигини подшо Россияси томонидан босиб олинishi эди. Муҳаммад Юсуф Баёний ўзининг «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида бу масалага жуда муфассал тўхталиб ўтган ва бу борада жуда қимматли маълумотларни келтирган.

Айниқса, шаҳарларни мудофаа қилишда олиб борилган ишлар, кўрсатилган қаршиликларга қарамай, Хива хонлигига қарашли шаҳарларнинг подшо Россияси армияси томонидан бирин-кетин босиб олиниши ва чор генералларининг бу ерда олиб борган шафқатсиз сиёсати аниқ кўрсатиб берилган. Баёний шу даврда ана шу воқеалар ичида яшаган, уларни ўз кўзи билан кўрган ва у воқеаларнинг тирик шоҳиди эди. Бу масалани аниқ маълумотлар асосида ўрганишда ва ёритишда Хива тарихнависи Баёний томонидан ёзилган бу тарихий асар катта аҳамият касб этади. XVII — XIX ва XX аср бошларида Хоразмда яратилган тарихий асарларда хонликнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон хонликлари, Россия ва Эрон билан олиб борган дипломатик ва савдо муносабатларини ўрганишда ҳам бу асарларда анчагина маълумотларни учратамиз. Биз Абулғозий, Мунис, Огаҳий ва Баёний асарларини ўқир эканмиз, Хива хонлигига Бухоро, Қўқон хонликларидан, Россия ва Эрондан кўплаб элчилар келганлиги ва уларга жавобан у мамлакатларга ҳам элчилар юборилганини кўрамиз. Хонликнинг иқтисодий ҳаётида феодал ер эгалиги, суғориш ишлари ва янги ерларни ўзлаштириш ва солиқ масаласи асосий масалалардан эди. Бу масалалар бўйича ҳам мазкур тарихнависларнинг асарларида анча маълумотлар келтирилган.

Хонликнинг иқтисодий ҳаётида асосий масалалардан бири бўлган солиқ масаласига келсак, хивалик тарихчилар ўз асарларида воқеаларни баён этар эканлар, хонлик ҳудудида бўлган шаҳарлар ва қишлоқларга кимларнинг солиқ йиғиш учун борганлиги, қайси даврларда қайси халқларнинг Хива хонлигига солиқ тўлаганликлари ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтганлар. Савдогарлардан, шунингдек, Хива хонлиги ҳудудидан ўтган Бухоро хонлигига тегишли савдогарлардан ҳам олинган солиқлар ҳақида ҳам баъзи маълумотларни учратамиз.

XVII — XIX асрларда ва XX аср бошларида Хива хонлигида қурилиш ишлари бўйича ҳам маълум ишлар амалга оширилган. Мадрасалар, масжидлар, қалъалар, боғлар, кўприклар ва бошқа шу каби иншоотлар қурилган.

Мазкур тарихий асарларда бу биноларнинг қачон қурилганлиги ҳақида ҳам гапириб ўтилади. Шунини айтиш керакки, хоразмлик мазкур тарихнавислар ўзларининг тарихий асарларида баён этилган кўпгина тарихий воқеаларнинг шохидидирлар. XVII — XIX аср ва XX аср бошларида Хоразмда ёзилган тарихий асарларнинг муаллифлари Абулғозий, Мунис, Огаҳий ва Баёний ўз замонасининг атоқли тарихнавислари бўлиб, Хоразм ўлкаси тарихини ўрганишда турли масалалар бўйича бой маълумот берувчи қатор ажойиб тарихий асарлар яратиш билан бир қаторда, ўз замонасининг кўзга кўринган истеъдодли шоири ва сўзга уста таржимони ҳам эдилар. Ўз замонасининг бу етук тарихнавис олимлари ва ажойиб шоирлари бир-бирларининг ишини давом эттириб, тарих ва адабиёт соҳасида ўлмас илмий мерос яратиш билан бир қаторда Хоразмда шу соҳада миллий тарихнавислик мактабини яратдилар. Шу туфайли буларнинг атрофида бир қанча тарихчилар, шоирлар ва таржимонлар майдонга келади. Хоразмда шу даврда машҳур Шарқ шоирларининг ва тарихчиларининг тарихий ва адабий асарлари бир ерга тўпланади. Улардан нусхалар кўчирилади ва бир қанча тарихий ва адабий асарлар шарқтилларида ўзбек тилига таржима қилинади.

XIX аср ва XX аср бошлари Хоразмда ёзилган тарихий асарларнинг ижодкорлари Мунис, Огаҳий ва Баёний айна вақтда атоқли шоир ва ажойиб таржимон бўлганлари учун уларнинг адабий ва таржимонлик фаолиятларига ҳам қисқача тўхталиб ўтдик. Шундай қилиб, XVII — XIX аср ва XX аср бошларида Абулғозий, Мунис, Огаҳий ва Баёнийлар, Ўрта Осиё, айниқса, Хоразм ўлкаси тарихини ўрганишда бой маълумот берувчи қатор тарихий асарларини ижод этдилар. Бу тарихий асарлар шу давр Хоразм тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қиладилар. Демак, Абулғозий, Мунис, Огаҳий ва Баёний томонидан яратилган қатор тарихий асарлар XVII — XIX

аср ва XX аср бошлари Хива хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат этар эканлар, уларни келажакда нашр қилиш ва илмий жамоатчиликни улардан баҳраманд этиш асосий вазифаларимиздандир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
- 2.Абулғозий. Шажараи турк. –Т.: 1992.
- 3.Баёний. Шажарайи хоразмшоҳий. -Т.: 1994.
- 4.Абдурасулов А. Хива. -Т.: 1997.
- 5.Абдуллаев К. Нақшларга битилган умр. – Т.: 1995.
- 6.Бобожонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. -Хива, 2008.
- 7.Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркской рукописей Института народов Азии. Т.1. –М.: 1965.

- 8.Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. –Т.: 2002.
- 9.Нозилов Д. Уста усталар ҳақида дилкаш қиссалар. –Т.: 1996.
- 10.Толстов С.П. Беруний ва унинг замони (“Беруний – Ўрта асрнинг буюк олими”). -Т.: 1950.
- 12.Толстов С.П. Древний Хорезм. -М.: 1948.
- 13.Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. –М., Л.: 1948.
- 14.Ҳасанов С. Хоразм маънавияти дарғалари. -Т.: 2001.
- 15.Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ваҳаракатлар. -Т.: 2007.
- 16.Хива – минг гумбаз шаҳри. –Т.: 1997.
18. Хоразм. Справочник. –Т.: 1967.
19. Хоразм тарихи. 1жилд. –Урганч.1996.
20. Юсупов Ю.(Айёмий).Хоразм шоирлари. –Т.: 1967.
21. Хофиз Хоразмий. –Т.: 1981.
22. Д.Бобожонов, М.Абдуллаев. Хоразм амалий санъат усталари.-Хива, 2010.
23. Саидкулов Т.С. Очерки историографии истории народов средней Азии. -Т.: 1992.
- 24.Матякубова М., Абдуллаев Ў. Хоразмда шажаравий тарихнавислик мактаби. Турон тарихи. –Т.: 2005.
- 25.Матякубова М. XVI асрда Хива хонлиги. Маърифат ёғдуси. –Урганч.2007.
- 26.Саъдуллаев Б., Ғаффоров М. Хоразм вилоятида Ўрта аср шаҳарларининг ўрганилиш муаммоси.Илм сарчашмалари. 2007.

27.Отамуротова Р., Адилова М. Хива ва Қўқон хонлигидаги мадрасалар (XIX аср). 2012 йил 25 май. Республика илмий анжумани. Мақолалар тўплами.- Хива. 2012.

28. Тожиева Ф. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чораги Хива хонлиги шаҳарсозлик анъаналарининг рус манбаларида акс этиши. 2012 йил 25 май. Республика илмий анжумани. Мақолалар тўплами. –Хива. 2012.

29.Хива хонлиги. Ўзбекистон энциклопедияси. -Т.: 1997.

30.Нуруллаева Ш. Хива хонлигида хунармандчилик (XIX асарнинг охири ва XX асрнинг I чораги) // Илм сарчашмалари. 2006.

